Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!

Postda
На посту

1930–2025 95 yillig

O‘zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

2025-yil 24-aprel
payshanba

№ 17 (4711)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

VATANPARVAR YOSHLAR – YURT TAYANCHI



Yoshlarni Vatanga muhabbat, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash bugungi kunning dolzarb vazifasidir. Shu nuqtayi nazardan, bir necha yildan buyon oliy ta’lim muassasalarida ham profilaktika inspektorlari faoliyat yuritib, talabalarning huquqiy ongi va madaniyatini yuksaltirishda o‘z hissasini qo‘shmoqda.

Suratda: *Toshkent shahar IIBB HPB boshlig‘ining xotin-qizlar masalalari bo‘yicha o‘rinbosari, podpolkovnik Shirin Normatova, katta inspektorlar – leytenant Dilnoza Ubaydullayeva hamda katta leytenant Jannatbibi Haydarova Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti talabalari bilan.*

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

«O‘zbekiston kasaba uyushmalarining tarixi 1905-yildan boshlanadi. Aynan shu yil kuzda Butunrossiya temiryo‘l uyushmasining Turkiston bo‘limi tashkil etilgan va 1906-yil boshiga kelib 8 mingdan ortiq a’zolarni birlashtirgan...»

Kasaba uyushmalari tarixi haqida gazetamizning navbatdagi sonida o‘qiysiz.

AMALIY-O‘QUV SEMINARI

KASABA UYUSHMALARI FAOLIYATI: muammolar, yechimlar, takliflar

Kasaba uyushmasi – bu fuqarolarning ijtimoiy va mehnat huquqlari va manfaatlarini ifodalash va himoya qilish maqsadida tashkil etilgan, ularning faoliyatining xususiyatiga ko'ra umumiy ishlab chiqarish va kasbiy manfaatlari bilan bog‘langan ixtiyoriy jamoat birlashmasi.

IIV tarkibiy bo‘linmalari xodimlari Birlashgan kasaba uyushmasi qo‘mitasi tashabbusi bilan «IIV tizimidagi kasaba uyushmalarining jamoat tashkilotlari bilan o‘zaro hamkorligini ta’minlash: muammo va yechimlar» mavzusida uch kunlik amaliy-o‘quv seminari o‘tkazildi.



Qo‘qon shahri mezbonlik qilgan anjumanda IIV Kasaba uyushmasi qo‘mitasi rahbarlari, O‘zbekiston kasaba uyushmalari federatsiyasi, O‘zbekiston davlat muassasalari va jamoat xizmati xodimlari kasaba uyushmasi hamda Kasaba uyushmalari Farg‘ona viloyati kengashining tajribali mutaxassis-



lari, shuningdek, Qoraqalpog‘iston Respublikasi IIV, Toshkent shahar IIBB hamda viloyatlar IIB Birlashgan kasaba uyushmasi qo‘mitasi raislari va hisobchilari ishtirok etishdi.

IIV Kasaba uyushmasi qo‘mitasi bosh mutaxassisi, iste’fodagi polkovnik Abdug‘ofur Sattarov moderatorlik qilgan seminar avvalida Farg‘ona viloyati IIB boshlig‘i, general-mayor Azizbek Ikramov, IIV tarkibiy bo‘linmalari xodimlari Birlashgan kasaba uyushmasi qo‘mitasi raisi, polkovnik Hamza Maxsumovlar anjumandan ko‘zlangan maqsadni bayon qilishdi.

Seminar davomida sohaning eng dolzarb muammolarini qamrab olgan ma’ruzalar tinglandi. Xususan, O‘zbekiston Kasaba uyushmalari federatsiyasi raisining maslahatchisi Hayot Sharipovning «O‘zbekistonda kasaba uyushmalari tashkil etilishi tarixi va rivojlanish bosqichlari», O‘zbekiston davlat muassasalari va jamoat xizmati xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi bosh mutaxassisi Ilhom Hazratqulovning «Mehnatni muhofaza qilish ishlarini tashkil etish yuzasidan tavsiyalar», IIV tarkibiy bo‘linmalari xodimlari Birlashgan kasaba uyushmasi ijroiya qo‘mita a’zosi, polkovnik Bernora Sadikovaning «Kasaba uyushmasi faoliyatini tartibga soluvchi hujjatlarning yuritilishi va rasmiylashtirilishi» kabi ma’ruzalari ishtirokchilarning diqqat-e’tiborini tortdi.

Ma’ruzalarda qayd etilganidek, IIV tizimidagi kasaba uyushmalar faoliyatini tartibga soladigan amaldagi qonunlarga asosan, 2023–2025-yillarga mo‘ljallangan Tarmoq jamoa kelishuvi va Jamoa shartnomasi rahbariyat tomonidan imzolangan bo‘lib, xodimlarni ijtimoiy himoya qilish borasida olib borilayotgan sa’y-harakatlar bugun o‘zining ijobiy samarasini bermoqda. Ammo mazkur hujjatlar amaliyotga izchil tatbiq etilayotgan bo‘lsa-da, boshqa jamoat tashkilotlari bilan o‘zaro hamkorlik jarayonlarida ba’zi kamchiliklar ham yo‘q emas. Seminar davomida mavjud muammolarni bartaraf qilish borasida aniq takliflar o‘rtaga tashlandi.



Ishchanlik va samimiy muloqot ruhida o‘tgan seminar davomida xodimlarni ijtimoiy himoyalash, moddiy yordam pullarini ajratish, sanatoriy-kurortlarga yo‘llanma olish, davolanish va shu kabi ko‘plab masalalarda yuzaga kelayotgan bahsli holatlarga qonun hujjatlari asosida yechim topildi. Kasaba uyushmalari faoliyatini tartibga soluvchi ayrim me’yoriy hujjatlarni yanada takomillashtirish, tizim faoliyatida uchrayotgan kamchiliklarga barham berish, jamoat tashkilotlari bilan hamkorlikni yangi bosqichga olib chiqish borasida takliflar bildirildi.



Seminarning ikkinchi kunida ishtirokchilar Qo‘qon shahridagi qadimiy Xudoyorxon o‘rdasi va u yerdagi tarixiy muzeyni tomosha qilishdi. Shuningdek, Rishton tumanidagi Xalqaro kulolchilik markazida bo‘lib, usta kulollar bilan muloqot o‘tkazildi.

Abduvosit SIDIQOV,
o‘z muxbirimiz.
Abu KENJAYEV
olgan suratlar.

Farg‘ona viloyati.

KO‘RIK-TANLOV

OILA – MUQADDAS QO‘RG‘ON

Bu qo‘rg‘onni mustahkam va bardavom bo‘lishi uchun yosh avlod ongiga milliy urf-odatlar va an’analarimizni singdirib borishimiz lozim. Shuningdek, yoshlarni jismonan barkamol, ma’nan yetuk, mehr-oqibatli insonlar qilib tarbiyalashda keksalarning ibratli hayot yo‘li, o‘gitlari, yillar silsilasida toblangan tajribasidan unumli foydalanish o‘rinli bo‘lmoqda.

Xususan, oilaviy qadriyatlarni saqlash, rivojlantirish, namunaviy oilalarning hayotiy tajribalarini ommalashtirish maqsadida o‘tkazib kelinayotgan «Namunali oila» ko‘rik-tanlovi shular jumlasidandir. Yaqinda ushbu ko‘rik-tanlovning hududlar kesimidagi bosqichlari o‘tkazildi. Unda «Tanishtiruv», «Bu – mening oilam» va «Biz – kitobxon oilamiz» shartlari asosida sovrindorlar aniqlandi. Birinchi o‘rin sohiblari esa respublika boshqichida qatnashish huquqini qo‘lga kiritdi. Quyida joylardagi ko‘rik-tanlov g‘oliblarining ayrimlarini e’tiboringizga havola etamiz.

QORAQALPOG‘ISTON RESPUBLIKASI



1-o‘rin – Shumanay tumani IIB JXX HPB profilaktika katta inspektori, mayor Salamat Baymuratov oilasi;

2-o‘rin – Ellikqal’a tumani IIB JXX HPB profilaktika inspektori, katta leytenant Botir Iskandarov oilasi;

3-o‘rin –Qonliko‘l tumani IIB JXX HPB profilaktika katta inspektori, podpolkovnik Shingis Aytmuratov oilasi

SAMARQAND VILOYATI



1-o‘rin – Paxtachi tumani IIB JXX HPB profilaktika katta inspektori, katta leytenant Ruslan Jabbarov oilasi;

2-o‘rin – Toyloq tumani IIB JXX JTSG vaqtincha saqlash hibsxonasi boshlig‘i, podpolkovnik Furqat Ismoilov oilasi;

3-o‘rin – viloyat IIB JXX JTSB haydovchisi, safdor Anvar Aralov oilasi.

FARG‘ONA VILOYATI



1-o‘rin – Farg‘ona shahar IIOFMB Navbatchilik qismi katta inspektor-navbatchisi, mayor Ahrorjon Sobirov oilasi;

2-o‘rin – Uchko‘prik tumani IIB JXX HPB profilaktika katta inspektori, mayor Bekzodjon Asqarov oilasi;

3-o‘rin – Beshariq tumani IIB JXX HPB profilaktika katta inspektori, kapitan Umidjon Xudoybergenov oilasi.

XORAZM VILOYATI



1-o‘rin – Qo‘shko‘pir tumani IIB JXX HPB profilaktika inspektori, mayor Sanjarbek Ollanazarov oilasi;

2-o‘rin – Xonqa tumani IIB JXX HPB Xotin-qizlar masalalari bo‘yicha katta inspektor, katta leytenant Nasiba Ortiqova oilasi;

3-o‘rin – Xiva shahar IIB JXX HPB profilaktika inspektori, katta leytenant Valibek Matyoqubov oilasi.

BUXORO VILOYATI



1-o‘rin – Viloyat IIB JXX YHXB Axborot guruhi katta mutaxassisi, kapitan Ulug‘bek Shukurlayev oilasi;

2-o‘rin – Peshku tumani IIB JXX HPB profilaktika inspektori, mayor Nasim Bog‘iyev oilasi;

3-o‘rin – Buxoro shahar IIOFMB Kadrlar bilan ta’minlash guruhi katta inspektori, kapitan Bobir Husenov oilasi.

SURXONDARYO VILOYATI



1-o‘rin – Angor tumani IIB JXX HPB profilaktika inspektori kapitan Furqat Quvvatovning oilasi;

2-o‘rin – Termiz shahar IIB 1-son IIB navbatchilik qismi katta inspektor–navbatchisi katta leytenant Farhod Dulanovning oilasi;

3-o‘rin – Sherobod tumani IIB JXX HPB ijtimoiy profilaktika katta inspektori mayor Elmurod Normurodovning oilasi.

QASHQADARYO VILOYATI



1-o‘rin – Yakkabog‘ tumani IIB JXX HPB profilaktika inspektori, mayor Bahodir Rajabov oilasi;

2-o‘rin – Qarshi tumani IIB TQX katta tezkor vakili, mayor Jamshid Mirzayev oilasi;

3-o‘rin – Kasbi tumani IIB JXX HPB profilaktika inspektori, kapitan Otabek Qorayev oilasi.

JIZZAX VILOYATI



1-o‘rin – Forish tumani IIB M va FRG pasportchisi, safdor Islom Norqo‘ziyev oilasi;

2-o‘rin – Do‘stlik tumani IIB M va FRG katta mutaxassisi, kapitan Jaloliddin Toshbayev oilasi;

3-o‘rin – Sh. Rashidov tumani IIB EKB katta eksperti, kapitan Eldor Turanov oilasi.

Halollikni shior qilgan xodimlar

NOQONUNIY YO‘LNING OXIRI VOY



Vijdonli, halol, burchiga sodiq insonlar jamiyatda doimo hurmat-e’tiborga sazovor bo‘ladi. Yurtimiz osoyishtaligini ta’minlash, jinoyatchilikga qarshi kurashishni hayotining mazmuniga aylantirgan ichki ishlar organlari xodimlari orasida ham bu kabi fidoyilar ko‘pchilikni tashkil etadi. Viloyat IIB JXX YHXB 3-safarbarlik guruhi YPX inspektori, safdor Oybek To‘xtayev halollikni shior qilgan xodimlardan biridir.

Joriy yilning 22-mart kuni G‘ijduvon tumani hududidan o‘tuvchi «M-37» avtomobil yo‘lida xizmat olib borayotgan safdor O.To‘xtayev shubha uyg‘otgan S.B. boshqaruvidagi «Damas» rusumli avtomashinasini to‘xtatadi. YPX inspektori bilan bo‘lgan muloqotda haydovchi spirtli ichimlik iste’mol qilganlikda gumonlanadi. «ALKOSTOP S8000» apparatida tekshirilganda, haydovchining mast holatdaligi aniqlandi. Shundan so‘ng unga nisbatan ma’muriy bayonnoma rasmiylashtirilib, transport vositasi jarima maydoniga qo‘yiladi.

Fuqaro S.B. muammo yechimining noqonuniy yo‘llarini izlab, ma’muriy bayonnomani bekor qilish va avtomashinani jarima maydonchasidan chiqarish evaziga osoyishtalik posboniga 2 million so‘m miqdorida pora taklif etadi. YPX inspektori unga pora berish jinoyat ekanligini aytib, buning oqibatlari haqida ogohlantiradi. Ammo haydovchi o‘z bilganidan qolmaydi.

Holat yuzasidan huquq-tartibot organlari tomonidan tezkor tadbir o‘tkazildi. Tadbir davomida fuqaro S.B. YPX inspektoriga 2 million so‘m pulni pora sifatida berayotgan vaqtda qo‘lga olindi...

Voqea tafsilotini tahlil qilarkanmiz, haydovchi mast holatda avtomashinani boshqarib borayotganda, yo‘l-transport hodisasi yuz bermaydi, deb hech kim kafolat berolmaydi. O‘z vaqtida YPX inspektorining hushyorligi yuz berishi mumkin bo‘lgan hodisaning oldini oldi. Biroq fuqaro S.B. ikkinchi jinoyatga ham qo‘l urdi. Nachora, qilmish-qidirmish, deyishadi. Osoyishtalik posbonini pora berish evaziga jinoyatga undamoqchi bo‘lgan haydovchining o‘zi jinoiy javobgarlikka tortildi.

Mirzoqul AHADOV,
o‘z muxbirimiz.
Buxoro viloyati.

QAROR VA IJRO

TARBIYA TARTIBDAN BOSHLANADI

Mirzaobod tumanidagi 25-sonli umumta’lim maktabida ma’naviy-axloqiy tarbiya masalasi birmuncha oqsagani tufayli keyingi paytda noxush holatlar kuzatildi. Shu sabab maktab «qizil» toifaga tushib qoldi.

Yaqinda Ichki ishlar vazirligi rahbariyati tomonidan respublikadagi ta’lim sifati pasaygan, ma’naviy-axloqiy tarbiya ishlari susaygan bir qancha umumta’lim maktablari otaliqqa olindi. Ular orasida mazkur maktab ham bor.



560 o‘rinli maktab 2020-yilda barpo etilgan. Ungacha o‘quvchilar o‘tgan asrning yetmishinchi yillarida qurilgan, muqaddam qurilish tashkilotining idorasi bo‘lgan moslashtirilgan binoda o‘qishgan. Hozir ushbu maktabda 700 nafardan ortiq o‘quvchi ikki smenada tahsil olmoqda. Maktabda 2 ta kompyuter sinfi mavjud bo‘lib, ularga o‘ttizdan ortiq zamonaviy kompyuterlar o‘rnatilgan va optik tolali internet tarmog‘iga ulangan. Binoga yondosh sport zalida mashg‘ulotlar uchun sharoitlar mavjud. Shunday sharoitlarga qaramasdan, maktabda salbiy holatlar ro‘y bergan.

– Birinchi navbatda umumta’lim maktabidagi ma’naviy muhit, yaratilgan shart-sharoit, o‘qituvchi va o‘quvchilarning bilim saviyasi tegishli mutaxassislar bilan hamkorlikda o‘rganildi, – deydi Sirdaryo viloyati IIB boshlig‘ining o‘rinbosari, polkovnik Qahramon Shermatov. – Mavjud kamchiliklar, ularni bartaraf qilish bo‘yicha chora-tadbirlar rejasi ishlab chiqildi. O‘quvchilar o‘rtasida turli uchrashuvlar, qo‘shimcha darslar, tadbirlar uyushtirilib, tadbirlarga viloyatdagi oliy ta’lim muassasalari, IIV Sirdaryo akademik litseyi ustozlari jalb qilindi.

Hozirda maktab kutubxonasiga o‘quvchilarni keng jalb qilish, kutubxonani yangi adabiyotlar bilan boyitish choralari ko‘rilyapti. O‘quvchilarning viloyatdagi teatrlarga, ma’naviyat maskanlariga safarlari tashkil etilmoqda. Jumladan, ular yaqinda viloyat IIB muzeyida bo‘lib, tinchlik va osoyishtalikni ta’minlash yo‘lida fidoyilik namunasini ko‘rsatgan xodimlar faoliyati bilan tanishishdi.

Umumta’lim maktabida homiylar ko‘magida binoning ta’mirtalab joylari tuzatilmoqda. Hovlida ko‘chat ekish, bog‘ va gulzorlar yaratish, yo‘laklarni tartibga keltirish ishlari olib borilyapti.

Abdurahmon MUSTAFOQULOV,
o‘z muxbirimiz.
Sirdaryo viloyati.



Постановление и его исполнение

РЕЗУЛЬТАТИВНОСТЬ СОВМЕСТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

В Юкоричирчикском районе состоялось совещание, посвященное вопросам повышения эффективности профилактики правонарушений в махаллях Ташкентской области. Встреча хокима области Зойира Мирзаева с инспекторами профилактики ОВД 1-й региональной зоны прошла с участием начальника ГУВД и прокурора области.





Основное внимание было уделено внедрению новых механизмов раннего предупреждения правонарушений. Подчеркнута необходимость повышения эффективности социальной профилактики, своевременного выявления и адресного устранения причин нарушения закона.

Важным аспектом обсуждения стало внедрение цифровых технологий в профилактическую деятельность. Отмечены изменения в организации работы пунктов правопорядка, в частности, формирование микроучастков, объединяющих до пяти махаллей, что позволяет оперативно реагировать на вопросы обеспечения общественной безопасности. Участники констатировали положительные результаты совместной работы в рамках утвержденных «дорожных карт».

В завершение мероприятия были отмечены лучшие инспекторы профилактики.

Соб. корр.

Ташкентская область.

Мы гордимся вами!

НЕ ПРОСТО БЕЖИТ – ЖИВЕТ БЕГОМ

В городе Бекабаде, что в Ташкентской области, 13 октября 1986 года родился Андрей Петров, чье имя сегодня знают далеко за пределами Узбекистана, а его спортивная биография служит примером целеустремленности и силы воли.

Путь А. Петрова в большой спорт начался довольно неожиданно. В 13 лет он увлекся боксом, но судьба распорядилась иначе. Тренер по боксу заметил его природную легкость и выносливость, разглядев в юном Андрее задатки бегуна. Так, по совету наставника, он оказался в секции легкой атлетики школы № 17 под чутким руководством Кима Олега Владимировича.

Первые тренировки быстро дали свои плоды. Вскоре Андрей принял участие в Ташкентских областных соревнованиях по бегу на 1 километр. Несмотря на то, что соперники были старше, он одержал победу. Усиленные тренировки, спортивные сборы стали неотъемлемой частью жизни Андрея. Сам он признается, что в юности не всегда верил, что свяжет свою жизнь именно с бегом. «Мне говорили – беги, и я бежал!» – с улыбкой вспоминает спортсмен. И он не просто бежал, а финишировал одним из первых.





Серьезным испытанием стали республиканские соревнования в закрытом помещении на дистанции 3000 метров. Андрей показал достойный результат – 10 минут 56 секунд и третье место.

Соревнования, спартакиады, чемпионаты... Каждое выступление становилось проверкой на прочность и выносливость.

С 2010 года и по сей день его тренирует Родион Шавкатович Кубиев – человек, которому Андрей благодарен за поддержку и мудрые наставления.

Еще одна мечта Андрея сбылась – он получил высшее образование, окончив Узбекский государственный университет физической культуры и спорта. В 2011 году по рекомендации ныне покойного Дмитрия Анатольевича Ситникова, являвшегося начальником отдела физической и боевой подготовки Караульных войск МВД Узбекистана, Андрей поступил на службу.

В его спортивной биографии – участие в Открытом Кубке Узбекистана, Открытом Чемпионате Узбекистана, VI Международном полумарафоне в Душанбе, 21 Чемпионате Азии в Китае, 42 Берлинском марафоне, Исламиаде-2017, ежегодных Душанбинских полумарафонах и многих других престижных стартах.

Особенно успешными стали 2018 и 2019 годы. Андрей не только улучшил личные рекорды, но и принял участие в шести марафонах – невероятное достижение, учитывая, сколько сил и времени требуется спортсменам для восстановления после изнурительных дистанций. Победы на Seoul International Marathon, XVIII Азиатских играх в Индонезии, XVII Чемпионате Мира в Кении, 8 Международном Иссык-Кульском марафоне «Run the Silk road» стали яркими страницами его спортивной карьеры.

Андрей – счастливый супруг, отец троих детей – Руслана, Камилы и Амира. Рождение первенца навсегда останется в его памяти, ведь это произошло во время его участия в марафонском забеге на Олимпийских играх 2016 года в Рио-де-Жанейро.

А. Петров передает опыт молодому поколению. Под его руководством тренируются 30 спортсменов, трое из которых уже стали мастерами спорта.

На спортивном пути Андрея Петрова были взлеты, были и трудности, преодолевать которые помогали сослуживцы. С 2011 года он неизменно занимает первые места на соревнованиях по легкой атлетике ФСО «Динамо».

История рядового Андрея Петрова – это пример того, как целеустремленность и упорство ведут к победам. Он не просто бежит – он живет бегом, вдохновляя людей стремиться к целям, несмотря ни на какие преграды.

Азиза БОХОДИРОВА,
майор.

9-MAY – XOTIRA VA QADRLASH KUNI

MARDLIK VA QAHRAMONLIK RAMZI





Xizmat burchini bajarish chog‘ida halok bo‘lgan Dang‘ara tumani IIB profilaktika inspektori, mayor Nodirjon Mardonqulovning xotirasini abadiylashtirish maqsadida o‘zi o‘qigan 31-maktabda uning byusti o‘rnatildi.



Shu kuni maktab hovlisi uzoq-yaqindan kelgan mehmonlar, marhum inspektorni tanigan-bilgan do‘st-u qadrdonlar bilan gavjum bo‘ldi. Ochilish marosimida IIV Ma’naviy-ma’rifiy ishlar va kadrlar bilan ta’minlash xizmati va Farg‘ona viloyati IIB rahbariyati, soha faxriylari, tuman faollari, o‘quvchi-yoshlar hamda keng jamoatchilik vakillari ishtirok etdi.

Tadbir ishtirokchilari mayor N. Mardonqulovning fazilatlari haqida so‘z yuritib, qahramonning farzandlari ham xuddi otasi kabi yuksak bilimli, tanlagan kasbiga sodiq va el-yurt hurmatiga sazovor insonlar bo‘lib kamolga yetishiga tilak bildirishdi.

Nodirjon 1985-yilda Dang‘ara tumani Qumqiyali qishlog‘ida tug‘ilgan. Maktabni tamomlagach, IIV Akademiyasiga o‘qishga kirgan. 2010-yilda oliy dargohni tamomlab, ichki ishlar organlari safida ish boshlagan. Oilali, uch nafar farzandining otasi edi. Turmush o‘rtog‘i Zuhraxon Mardonqulova bilan ahillikda Javohir, Madinaxon hamda Jamshidbek ismli farzandlarni kamolga yetkazishayotgandi.

Dang‘ara tumani ichki ishlar bo‘limidagi eng tajribali, kasbiga sadoqatli inspektorlardan sanalgan, ko‘plab yosh xodimlarga ustoz sifatida tajribalarini o‘rgatib kelayotgan fidoyi xodimni bevaqt o‘lim oramizdan erta olib ketdi.



... 2024-yilning 26-avgust kuni. Nodirjon xizmat vazifasini bajarish chog‘ida ozodlikni cheklash jazosiga hukm qilingan fuqaroning cheklangan vaqtda uyida bo‘lishini bilish uchun xonadoniga o‘rganishga boradi. Ammo fuqaro jazo o‘tash tartib-qoidalariga amal qilmay, belgilangan vaqtda ko‘chada yurganligini aniqlaydi. Shu payt mahkum spirtli ichimlik ichgan holda, ko‘chadan uyiga qaytib keladi va profilaktika inspektori bilan janjallashib ketadi. Keyin esa o‘z xonadonidan oshxona pichog‘ini olib chiqib, inspektorning ko‘krak qafasiga og‘ir tan jarohati yetkazadi va voqea joyidan qochib ketadi.

Afsuski, Nodirjon Mardonqulov ko‘rsatilgan tibbiy yordamga qaramasdan, shifoxonada vafot etdi. Olib borilgan tezkor tadbirlar natijasida jinoyatchi qo‘lga olindi. Unga nisbatan jinoyat ishi qo‘zg‘atilib, odil sud tomonidan muqarrar jazo tayinlandi.

Xizmat vazifasini bajarish paytida mardlarcha halok bo‘lgan yurt o‘g‘lonining porloq xotirasiga hurmat ramzi sifatida 2024-yil ichki ishlar organlari xodimlari kuni munosabati bilan Prezidentimizning farmoniga ko‘ra «Mardlik» ordeni berildi. Farg‘ona viloyati IIB rahbariyati tashabbusi bilan ochilgan mazkur byust esa uning xotirasini adabiylashtirish yo‘lidagi navbatdagi ezgu ishlardan biri bo‘ldi.

– Men mayor Nodirjon Mardonqulov bilan ko‘p yillar birga ishlab, shogird sifatida tajriba o‘rganganman, – deydi Dang‘ara tumani IIB HPB profilaktika katta inspektori, mayor Rafiqjon Qodirov. – U tanlagan kasbini juda yaxshi ko‘rardi, zimmasiga yuklatilgan barcha vazifani mas’uliyat bilan bajarishga odatlangan edi. Bugun safdoshimning xotirasiga o‘rnatilgan byust qarshisida turib ko‘zlarimga yosh keldi. Tuman IIB shaxsiy tarkibi ana shunday do‘stimiz va hamkasbimiz bo‘lganidan doim faxrlanadi.

Abduvosit SIDIQOV,
o‘z muxbirimiz.

Farg‘ona viloyati.





■ Республика Каракалпакстан

ПОД ЗАЩИТОЙ ОБЩЕСТВА И ГОСУДАРСТВА

В условиях социально-экономических перемен и роста уязвимости отдельных категорий населения особую значимость приобретает создание специализированных учреждений поддержки. Один из таких примеров – Центр реабилитации и адаптации женщин Республики Каракалпакстан, начавший свою работу в 2021 году. Его основная задача – оказание всесторонней помощи женщинам и детям, оказавшимся в кризисной ситуации.



Центр рассчитан на одновременное пребывание 14 человек – 10 женщин и 4 детей. На условиях анонимности здесь предоставляется медицинская, психологическая, социально-педагогическая, правовая и иная помощь жертвам домашнего насилия и лицам, склонным к суицидальному поведению. Срок пребывания составляет от 5 дней до одного месяца, при необходимости может быть продлен.

За время нахождения в учреждении с каждой пациенткой индивидуально работают специалисты. На основе анализа ситуации разрабатывается психологический портрет, составляется персональный план реабилитации. Проводятся и групповые занятия, направленные на обмен опытом, восстановление внутреннего ресурса и формирование позитивного мышления. Применяются методы релаксации и медитации, развиваются навыки управления эмоциями.

Особое внимание уделяется вопросам правового просвещения, профориентации и расширения кругозора женщин, оказавшихся в трудной жизненной ситуации. Важно подчеркнуть, что статус женщины в семье во многом зависит от уровня ее образования, наличия востребованной профессии, навыков и жизненной уверенности. Именно поэтому государство придает особое значение развитию женского потенциала.

В минувшем году Центром была оказана помощь 107 женщинам, доставленным органами внутренних дел. За первые три месяца текущего года в учреждение обратились 16 женщин, каждая из которых получила необходимую поддержку.

Один из ярких примеров – история гражданки К. А. После получения охранного ордера она вместе с ребенком была направлена в Центр. Женщина находилась в глубоком психологическом кризисе: не могла четко выражать свои мысли ввиду того, что длительное время подвергалась унижению и притеснению со стороны супруга и свекрови.

После прохождения курса реабилитации ее состояние улучшилось. Ребенок был устроен в детский сад. Сотрудники правоохранительных органов провели профилактическую беседу с родственниками.

Практика показывает: в подавляющем большинстве случаев инициатором притеснения выступает муж, к которому впоследствии присоединяются и другие члены семьи. Поэтому важным направлением деятельности Центра остается профилактика, а также повышение общественного внимания к проблеме семейного насилия.

Помощь пострадавшим женщинам – это не только вопрос социальной поддержки, но и показатель зрелости общества, уровня правовой культуры.

Гулбахар ЕМБЕРГЕНОВА,
психолог Центра реабилитации и адаптации женщин Республики Каракалпакстан.

■ Самаркандская область

БОРЬБА ЗА КАЧЕСТВО ПРОДУКТОВ ПРОДОЛЖАЕТСЯ

В результате рейдов, организованных сотрудниками группы обеспечения карантинных мероприятий УООП СОБ УВД области совместно с представителями отдела ветеринарии и развития животноводства, с прилавков дехканских рынков было изъято: тонна молочной продукции, 12 тонн рыбы, 57 тонн мяса и около 13 тысяч яиц.

По результатам проверок установлено, что продукция не соответствует санитарно-гигиеническим требованиям и непригодна к употреблению. Она уничтожена в установленном порядке. В отношении 91 предпринимателя, осуществлявшего попытку ввоза или реализации некачественного товара, составлены административные протоколы и наложены штрафы.





– В сотрудничестве с работниками территориального отдела ветеринарии мы не только проводим рейды, но и осуществляем разъяснительную работу среди продавцов мясо-молочной продукции, – отмечает рядовой Одилбек Бердиев.

Один из последних рейдов был проведен при участии сотрудников санитарно-эпидемиологической службы, общественных наблюдателей, журналистов и блогеров. Поводом для проверки стало качество так называемого «андижанского мороженого». Специалисты взяли образцы продукции на лабораторные исследования.

Результаты проверки оказались тревожными: условия хранения мороженого не соответствовали установленным требованиям. Практически у всех продавцов отсутствовали медицинские справки, одноразовые перчатки. Мороженое хранилось в пенопластовых контейнерах, не предназначенных для поддержания необходимой температуры. Также отсутствовали сертификаты, подтверждающие происхождение и состав продукции.

– В прошлом году в ходе аналогичной проверки в молочной продукции были выявлены бактерии стафилококка, – пояснил рядовой О. Бердиев. – С начала этого сезона мы решили усилить контроль за продукцией, продаваемой вблизи дорог. Проверки показали, что производство и хранение мороженого зачастую сопровождаются нарушениями санитарных норм и правил.

Сотрудники санитарно-гигиенической службы отмечают также отсутствие возможности надлежащей дезинфекции пластиковых контейнеров и указывают на риск перекрестного загрязнения при контакте с несанированными поверхностями.

Рассуждая о своей работе, рядовой Бердиев подчеркнул, что служба в органах внутренних дел требует полной самоотдачи, постоянного развития.

– Это не просто работа – это образ жизни, – говорит он. – Служба формирует характер, учит принимать ответственные решения и работать в команде. Несмотря на трудности, именно благодаря таким вызовам мы становимся сильнее.

Замира БАЛТАЕВА,
соб. корр.

QUTLOV

AXBOROT MAYDONINING OLDINGI SAFIDA

Hurmatli «Postda-На посту» gazetasi tahririyati xodimlari!

O‘zbekiston Jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti jamoasi nomidan sizlarni gazetangizning qutlug‘ 95 yillik yubileyi bilan chin qalbimizdan tabriklayman.

«Postda-На посту» gazetasi shonli va mazmunli yo‘lni bosib o‘tdi. U nafaqat ichki ishlar organlari faoliyatining solnomasi, balki mamlakatimizda jamoatchilikni xabardor qilish, qonuniylik va huquq-tartibotni mustahkamlashning muhim vositasiga aylandi. Nashringiz sahifalarida ichki ishlar organlari xodimlarining mardonavor xizmat faoliyati, fidoyi mehnati o‘z ifodasini topadi, huquqbuzarliklarning oldini olish, jinoyatchilikka qarshi kurashish va fuqarolar xavfsizligini ta’minlashning dolzarb masalalari yoritiladi.

Jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universitetida biz sizlarning kasbiy faoliyatingizga katta hurmat bilan qaraymiz hamda muassasalarimiz o‘rtasidagi ko‘p yillik samarali hamkorlik va mustahkam do‘stlikni qadrlaymiz. Talabalarimiz uchun



Sherzodxon QUDRATXO‘JA,
O‘zbekiston Jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti rektori, siyosiy fanlar doktori, professor.

«Postda-На посту» gazetasi huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyati haqida qimmatli ma’lumot manbai, idoralararo jurnalistikaning o‘ziga xos xususiyatlarini o‘rganish maydoni va amaliy tajriba orttirish imkoniyatidir. Bo‘lajak jurnalistlar bilan bilim va tajribangizni baham ko‘rishga doimo tayyorligingiz uchun sizlardan minnatdormiz.

Ishonchimiz komilki, «Postda-На посту» gazetasi bundan keyin ham axborot maydonining oldingi saflarida bo‘lib, voqealarni tezkor va xolisona yoritish, ichki ishlar organlarida xizmat qilishning nufuzini oshirish va aholining ishonchini mustahkamlashga xizmat qiladi.

Ushbu muhim kunda gazetaning butun jamoasiga mustahkam sog‘lik, farovonlik, ijodiy muvaffaqiyatlar tilayman. Gazetangiz bundan keyin ham mas’uliyatli xizmat yo‘lida ishonchli yo‘lboshchi va sadoqatli hamroh bo‘lib qolaversin!

SO‘ZLAR BILAN SO‘ZLASHUV

«G‘ALADON»DAGI G‘ALLA

Biz odatda stol, javon va shu kabilarning narsa solib qo‘yiladigan tortmasini «g‘aladon» deb ataymiz. Ba’zan pul yoki mayda buyumlar saqlash uchun xizmat qiladigan qutichani ham shu so‘z bilan ifodalaymiz. «G‘aladon» so‘zining tub ildizi aslida «g‘alla idishi», «don saqlanadigan joy» degan ma’nolarni anglatgan («O‘zbek tilining izohli lug‘ati»).

Qizig‘-a, stolingizning g‘aladonini ikki yuz marta tortib ko‘rganda, hech bo‘lmasa, bir martagina nima uchun uning «g‘aladon» deb atalishi haqida o‘ylab ko‘rganmisiz? O‘ylab ko‘rish kerak-da. Shunda jilla qursa, bu so‘zning «g‘alla» va «don»ga yaqinligini sezib qolardingiz va birdan ajablanib ketardingiz.

Bir kuni shoir Hasan Karvonli menga «g‘aladon»dagi, «don» so‘zining «g‘alladon»ga aloqasi bo‘lmasa kerak deb qoldi. U fikrini isbotlash uchun «qalamdon», «kuldon», «siyohdon» so‘zlarini keltirdi. Bu gaplardan so‘ng men «g‘ala-g‘ovur» so‘zi haqida o‘ylab qoldim. Menimcha, «g‘ala-g‘ovur» so‘zidagi «g‘ala» so‘zi «aralash-quralash» ma’nosini bildirsa kerak. Agar shunday bo‘lsa, «g‘aladon» so‘zi aralash narsalar turadigan idish ma’nosini bildirishi ham mumkin.

KAKLIK KAKKILLAYDI

Tovuqsimonlar oilasiga mansub, sayroqi tog‘ qushi nomini ifodalaydigan «kaklik» so‘zi asli tovushga taqliddan hosil bo‘lib, uning tub ildizi «kakkillamoq» degan fe’lga borib taqaladi. Ehtimol, «kaklik» «kakillak» bo‘lgandir. Bu beozor qush bir sayrasa, shu darajada sayraydiki, kakkillab-kakkillab hammaning e’tiborini tortadi.

Uning ovozi juda yoqimli, o‘ziga xos musiqasi bor. Izohli lug‘atda «kakkillamoq» va «kakirlamoq» so‘zlari bir xil asosga ega deb ko‘rsatilgan. Xalq orasida «kaklik kakirlaydi» degan ibora bor.

Eshqobil Shukurning
«Bobo so‘z izidan» kitobidan olindi.

YO‘L BOSHIDA

BOLANING BEGONASI BO‘LMAYDI

Nukus shahrida joylashgan Qoraqalpog‘iston Respublikasi IIV JXX HPB Voyaga yetmaganlarga ijtimoiy-huquqiy yordam ko‘rsatish markazi umumiy hisobda 25 o‘ringa mo‘ljallangan. Joriy yilning o‘tgan davri mobaynida ichki ishlar xodimlari tomonidan markazga 109 nafar voyaga yetmagan olib kelib joylashtirilgan. Ulardan 1 nafari ixtisoslashtirilgan ta’lim muassasasiga, 2 nafari oilaviy bolalar uyiga 106 nafari esa ota-onasi yoki ularning o‘rnini bosuvchi shaxslarga qaytarilgan.

Markaz binosi 2006-yilda foydalanishga topshirilgan bo‘lib, 2022–2023-yillarda bu yerda rekonstruksiya ishlari olib borilgan. Natijada markaz zamonaviy qiyofa kasb etib, bino atrofiga beton qoplamalar yotqizildi, tungi yoritish uskunalari o‘rnatilib, yangi sport maydonchasi qurib berilgan. Bundan tashqari, shahar hokimiyati va boshqa hamkor tashkilotlar tomonidan markaz uchun zarur bo‘lgan kir yuvish mashinasi, muzlatkich, gaz plita, televizor hamda xo‘jalik buyumlari topshirilgan. Bir so‘z bilan aytganda, voyaga yetmaganlar uchun barcha qulayliklar yaratilgan.

Bolalar bu yerga keltirilgach, ta’lim tizimidan ajralib qolishining oldini olish maqsadida malakali o‘qituvchilar tomonidan muntazam darslar o‘qitib boriladi. Tikuvchilik va rassomlik to‘garaklari ham yo‘lga qo‘yilgan. Belgilangan jadval asosida kuniga 4 mahal issiq ovqat berib boriladi. Shuningdek, ularning bo‘sh vaqtlarini mazmunli o‘tkazish maqsadida shahardagi muzey va teatrlarga sayyohatlar tashkil etib kelinadi. Bundan tashqari, reja asosida psixolog hamda turli kasb egalari bilan uchrashuvlar o‘tkazib boriladi.

– Bolaning begonasi bo‘lmaydi, deganlaridek, turli sabablarga ko‘ra qarovsiz yoki nazoratsiz qolib ketgan voyaga yetmaganlarga xuddi o‘z farzandlarimiz kabi mehrimizni berishga harakat qilamiz. Maqsadimiz – ularni jamiyatimizning to‘laqonli, salbiy odatlardan xoli, sog‘lom fikrlovchi a’zosi sifatida tarbiyalashdan iborat, – deydi markaz boshlig‘i, kapitan Sarbinaz Yelmuratova.

Xulosa o‘rnida ta’kidlash kerakki, farzandlarimiz ta’lim-tarbiyasi, yaxshi inson bo‘lib yetishishi barcha uchun birlamchi masalalardan ekanligini yoddan chiqarmasligimiz lozim.

Azamat PIRNIYAZOV,
o‘z muxbirimiz.
Qoraqalpog‘iston Respublikasi.

YO‘L INTIZOMNI YOQTIRADI

QOIDABUZAR HAYDOVCHILARGA CHORA KO‘RILMOQDA

Xorazm viloyatida «Og‘ir oqibatli yo‘l-transport hodisalarining oldini olish oyligi» o‘tkazilmoqda. 30-aprelga qadar davom etadigan oylik doirasida viloyat IIB JXX YHXB va huquqni muhofaza qiluvchi boshqa organlar hamkorligida harakat xavfsizligini ta’minlashga qaratilgan keng qamrovli profilaktik-targ‘ibot hamda reyd tadbirlari amalga oshirilmoqda.



Shu kunga qadar oylik doirasida o‘tkazilgan reydlarda yo‘l-patrul xizmati inspektorlari tomonidan 10021 ta qoidabuzarlik aniqlandi. Bunda, jumladan, 336 nafar haydovchi svetofor ishoralariga rioya etmagan, 2014 nafari tegishli hujjatlarga ega bo‘lmagan, 4398 nafari esa qo‘pol qoidabuzarliklar sodir qilgan. Eng achinarlisi, 62 nafar fuqaro mast holatda transport vositasini boshqargan.

– Asosan haydovchilarning transport vositalarini spirtli ichimlik iste’mol qilgan holda boshqarayotgani, tezlikni me’yor talablaridan oshirishi, svetofor ishoralariga rioya etmasligi avtohalokatlarning kelib chiqishiga sabab bo‘lmoqda, – deydi viloyat IIB JXX YHXB Axborot guruhi katta mutaxassisi, kapitan Shavkat Bobojonov. – Bunday noxush holatlarning oldini olish maqsadida mahallalarda, korxona va tashkilotlarda, o‘quv muassasalarida targ‘ibot tadbirlarini o‘tkazyapmiz. Bunda haydovchi va piyodalarning mas’uliyatini oshirish, ularning yo‘llarda harakatlanish madaniyatini yuksaltirishga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Avtomobil yo‘llarining belgilangan talab va me’yorlarga mos kelishi ham yo‘l-transport hodisalarining oldini olishda muhim sanaladi. Shu bois oylik davomida viloyat hududidagi avtoyo‘llarni ko‘rikdan o‘tkazish, aniqlangan kamchiliklarni qisqa fursatlarda bartaraf etish yuzasidan zarur choralar ko‘rilyapti.

Oylik doirasidagi tadbirlar viloyatning eng chekka hududlarida ham davom etmoqda.

Xudoybergan JABBOROV,
o‘z muxbirimiz.
Xorazm viloyati.

O‘RINBOSARNING BIR KUNI

BARCHA BIRDEK BIRLASHSA

Yurtimizda umrguzaronlik qilayotgan har bir fuqaro ichki ishlar organlari xodimi timsolida o‘zining hayoti, sog‘lig‘i, sha’ni va qadr-qimmatini har qanday tajovuzlardan muhofaza qilishga hamda og‘ir damda yordam berishga tayyor bo‘lgan himoyachisini ko‘rishi zarur. Bu borada davlatimiz rahbari tomonidan olib borilayotgan islohotlarga hamohang tarzda ichki ishlar organlarida bir qator chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Tizim xodimlari imijini oshirish yo‘lidagi sa’y-harakatlar bir zum bo‘lsa-da, to‘xtagani yo‘q.

Chilonzor tumani poytaxtimizning aholi gavjum va zich hududlardan biridir. Bu esa ichki ishlar organlari xodimlaridan yanada hushyorroq va ziyrakroq bo‘lish hamda o‘z xizmat burchiga sidqidildan yondashishni talab qiladi.

Shaxsiy tarkib bilan ma’naviy-ma’rifiy ishlar va xizmat intizomini mustahkamlash muhim ahamiyat kasb etadi. Bugun tuman IIOFMB boshlig‘ining ma’naviy-ma’rifiy ishlar bo‘yicha o‘rinbosari, podpolkovnik Numonjon Yunusov umumiy yo‘riqnomadan so‘ng eng avval «xodimbay» ishlash tizimi bo‘yicha xodimlarning muammolarini o‘rganish va ruhiy holati bilan tanishishdan boshladi. Shaxsiy tarkib bilan yakka tartibda



ishlash tizimi qonuniylik va xizmat intizomini mustahkamlashga, korrupsion holatlarning barvaqt oldini olishga xizmat qilishi bilan ahamiyatli.

Keyingi dolzarb masala joylarda qizg‘in davom etayotgan «Ma’naviyat oyligi» doirasida amalga oshirilayotgan tadbirlar bo‘lib, yosh xodimlar bilan «Uch avlod» uchrashuvi, so‘ngra muzeyga tashrif tadbirlari birin-ketin amalga oshirila boshlandi. Podpolkovnik N. Yunusov boshchiligida tuman IIOFMB boshlig‘i maslahatchisi, iste’fodagi podpolkovnik Z. Xayruddinov hamda Faxriylar kengashi raisi, iste’fodagi podpolkovnik X. Xaitovlar bilan hamkorlikda uchrashuv bo‘lib o‘tdi.

Tadbirda yosh xodimlar kasbiga sadoqat, xizmat vazifasiga mas’uliyat bilan yondashishi, jinoyatchi va huquqbuzarlarga nisbatan murosasiz bo‘lishi lozimligi aytildi. Eng muhimi, xizmat intizomi va qonuniylikka rioya qilishi, korrupsion ishlarga aralashmasligi ta’kidlandi. Shundan so‘ng bir guruh xodimlar O‘zbekiston Respublikasi davlat muzeylari hamda taniqli shaxslarning uy-muzeylariga tashrifini tashkil etish reja jadvali bo‘yicha «Temuriylar tarixi» davlat muzeyiga borishdi.

Oylik doirasida bir necha marotaba kitob yarmarkalari ham tashkil etilmoqda. E’tiborli jihati shundaki, xodimlar yarmarkada o‘zi va oilasi uchun kitob xarid qilishdan tashqari, tuman IIOFMB kutubxonasi uchun ham o‘z nomini yozgan holda bittadan kitob taqdim qilishi an’ana tusiga kirgan.

Bunday an’analar natijasida xodimlarimiz kitobxonlik va boshqa turli ko‘rik-tanlovlarda sovrinli o‘rinlarni qo‘lga kiritishmoqda. Bundan tashqari, doimiy jismoniy tayyorgarlik va sport mashg‘ulotlari tashkillashtirilganligi bois ushbu yo‘nalishda ham Toshkent shahar IIBB hamda vazirlik miqyosida yaxshi natijalarga erishilmoqda.

Tuman IIOFMB boshlig‘i o‘rinbosarlarining har biriga hududdagi bir nechta mahallalar biriktirib berilgan. N. Yunusov ham o‘ziga biriktirilgan mahallalarda huquqbuzarlik va jinoyatchilikning oldini olish, uyushmagan yoshlar, probatsiya hisobida turganlar hamda ajralish yoqasiga kelib qolgan oilalar muammolarini o‘rganmoqda. Xususan, probatsiya hisobida turgan M.A.ning yashash sharoiti o‘rganilganida, u «Uzum market» ilovasi orqali yetkazib beruvchi bo‘lib ishlayotgani va hayoti ancha iziga tushib ketganidan minnatdorlik bildirdi.

Podpolkovnik N. Yunusovga tumanda joylashgan Fan va texnologiyalar universiteti ham biriktirilgan. Bugungi kunda universitetda 18 ta bakalavriat yo‘nalishlari va 6 ta magistratura mutaxassisliklari mavjud. Universitet xalqaro aloqalarni faol rivojlantirib, AQSH, Xitoy, Belarus, Qatar va boshqa mamlakatlar universitetlari bilan talabalar va o‘qituvchilar uchun almashinuv va stajirovka dasturlari bo‘yicha hamkorlik memorandumlarini imzolagan. Tuman IIOFMB boshlig‘i o‘rinbosari bu yerda talabalar bilan uchrashuvlar tashkil qilib, ular orasida huquqbuzarliklar va jinoyatchilikning oldini olish borasida tushuntirish ishlarini olib boradi. Shuningdek, universitet miqyosida o‘tkazilayotgan turli tadbirlarda bevosita ishtirok etadi.

– Yaxshi natijaga o‘z-o‘zidan erishish qiyin, – deydi podpolkovnik N. Yunusov. – Buning uchun albatta xodimlar o‘rtasida hamkorlik va jipslik bo‘lishi lozim. Shuningdek, xizmatga yarasha rag‘bat ham kerak. Tumanda joriy yilning o‘tgan 3 oyida



2024-yilning mos davriga nisbatan huquqbuzarliklar va jinoyatchilik kamayishiga erishildi. Albatta, bunda xodimlarga ijtimoiy-huquqiy yordam ko‘rsatish, oila a’zolari holidan xabar olish, yashash sharoitlarini yaxshilashga qaratilgan chora-tadbirlar ham muhim ahamiyat kasb etadi. Xususan, ko‘plab xodimlarning oilaviy sharoiti o‘rganilib, ularga zarur ijtimoiy himoya ko‘rsatildi. Shuningdek, profilaktik suhbatlar jarayonida bilim va kasbiy mahoratlarini muntazam oshirib borish yuzasidan tavsiyalar berildi. Xodimlar qasamyodi va burchiga sodiq bo‘lishi, xizmatdan tashqari paytda jamoat tartibi va odob-axloq qoidalariga qat’iy amal qilishi, fuqarolarning huquq va erkinliklari hamda qonuniy manfaatlarini himoya qilishi lozimligi muntazam ravishda tushuntirib borilmoqda.

O‘z navbatida, xizmatga noloyiq, o‘z xulqi va yurish-turishi, qo‘pol muomalasi bilan boshqalarga ham salbiy ta’sir o‘tkazayotgan hamda qonunbuzarlikka moyil xodimlardan tizimni tozalash ishlari izchil olib borilmoqda. Ichki ishlar organlari xodimlari sha’niga dog‘ tushirayotganlardan o‘z vaqtida voz kechish ham yutuqlar uchun zamin bo‘ladi.

Shu bilan bir qatorda, kasbdoshlariga namuna bo‘layotgan xodimlar ham talaygina. Ulardan podpolkovniklar – Komiljon Davurov, Ural Kalkanov, Sharofitdin Asamov, Zokirjon Ostanaqulov, mayorlar – Abubakir Halimov, Charos Qurbonova, katta leytenant Farhod Rafiyev, kapitanlar Ahmadjon Abdullayev, Jasur Muhammadjonov hamda katta serjant Sunnat Usmonovlarning nomlarini alohida keltirib o‘tish joiz.

Xodimlarga ko‘rsatma berish yoki ulardan nimanidir talab qilishdan avval ularga shaxsiy namuna ko‘rsatish eng muhim masala. Rahbar bunga loyiq bo‘lish uchun, birinchi navbatda, oilada va keyin xizmatda ham doimo o‘z ustida ishlashga, yurish-turishiga e’tiborli va o‘ziga talabchan bo‘lishga harakat qilishi lozim.

Lavhamiz qahramoni turmush o‘rtog‘i Matlubaxon bilan 3 o‘g‘il va bir nafar qizni tarbiyalab voyaga yetkazishdi. Xizmatdan bo‘sh vaqtlarida farzandlari bilan suhbatlashib o‘tirishga oshiqadi. Ularning o‘qishi kelajak rejalari bilan o‘rtoqlashadi. Shundan bo‘lsa kerak, dilbandlarining barchasi o‘qimishli. Hatto ular zamon talablariga mos ravishda kamida 2 ta chet tilini mukammal egallashgan.

Katta o‘g‘li Azizbek Mamatyusupov ota izidan ketib, hozirda IIV TQDda xizmat qilib kelmoqda, unvoni kapitan. Sardorbek esa chet eldagi oliygohda magistratura bosqichida tahsil olmoqda. Sarvarbek Toshkent shahridagi Toshkent xalqaro Westminster universiteti talabasi. Zebiniso o‘rta ta’lim maktabida o‘qiyapti. Eng quvonarlisi, Numon aka ikki nabiraning ham suyukli bobosi.

Lavhamiz qahramoni hayoti davomida jiddiy sinovlarga duch keldi. Lekin taqdirning zarbalari oldida sinmadi, olg‘a harakat qilib bugungi nurafshon kunlarga yorug‘ yuz bilan yetib keldi. Bu matonat va iroda farzandlari uchun ham, uning qo‘l ostida xizmat qilayotgan xodimlar uchun ham ibrat namunasi bo‘lsa, ne ajab.

Sarvar SOBIROV,
o‘z muxbirimiz.
Toshkent shahri.





MA’NAVIYAT VA MA’RIFAT DARSI

E’TIBOR VA G‘AMXO‘RLIK – INSONIY BURCH

(9-may – Xotira va qadrlash kuni)



Juda og‘ir kechgan mash’um yillarda frontga safarbar etilgan 1 million 950 mingdan ziyod o‘zbekistonlik jangchilardan 538 mingdan ko‘prog‘i halok bo‘lgan. Shuningdek, 158 mingdan ortig‘i bedarak yo‘qolgan, 870 mingdan oshig‘i turli jarohatlar olgan, 60 ming nafardan ziyodi esa nogiron bo‘lib qaytgani g‘alabaning naqadar qimmatga tushganini ko‘rsatib turibdi.

Urush hududlaridan evakuatsiya qilingan 1 million 500 mingga yaqin jarbdiydaga boshpana berdi. Ota-onasidan judo bo‘lgan 250 ming nafar yetim bolalarga mehr-oqibat ko‘rsatib, so‘nggi burda nonini ham ular bilan baham ko‘rdi.

Yurtimizda 9-may – Xotira va qadrlash kuni nishonlanishi zamirida insoniylik, xalqimizga xos mehr-oqibat va bag‘rikenglik fazilatlari yotibdi. Inson xotira bilan tirik, qadr bilan ulug‘. O‘tganlarni, ularning xayrli ishlarini, jasoratini yodga olmoq, e’zozlamoq xalqimizga xos ezgu fazilatlardandir. Binobarin, xotira bu – unutmaslik, deganidir. Sohibqiron Amir Temur ham o‘z so‘zini «Biz kim...» deya Vatani, xalqi va ajdodlari hurmatini bajo etish bilan boshlagan. O‘z navbatida, Mirzo Ulug‘bek ham, shoir va sarkarda Bobur ham, shoirlar sultoni Alisher Navoiy ham ajdodlar ruhiga munosib, buyuk ishlarning davomchisi bo‘lishga intilgan. Shuning bilan birga, xotira – tiriklik chashmasidir. Undan imon-e’tiqod bilan suv ichganlar avlodi qudratli va salohiyatli bo‘ladi.

Tinchlik-xotirjamlik – taraqqiyot garovidir. Tinchligini yo‘qotgan xonadon ham, mamlakat ham aslo xotirjam bo‘la olmaydi. Aynan shu g‘oya targ‘ibiga bag‘ishlangan buyuk milliy ma’naviy merosimiz bor. Ularning barida tinchlikning qadriga yetish targ‘ib etiladi, urush esa batamom qoralanadi.

Ikkinchi jahon urushida halok bo‘lgan har bir o‘zbekistonlik – Vatanimiz farzandi edi. Istiqlol yillarida urush qurbonlarining nomi mamlakat poytaxtidagi Xotira maydoniga o‘rnatilgan temir «daftar»ga zarhal harflar bilan bitib qo‘yildi.

Xotira maydonida temir «daftar»larda qator-qator nomlar yozib qo‘yilgan bo‘lsa, beixtiyor bu ism-familiyalarning har biri bir inson ekanini o‘ylaysiz. Ular orasidan o‘zingizga tanish, qalbingizga yaqin, qoni qoningizga tutash kishilarni qidirasiz va topasiz ham...

To‘rdagi motamsaro ona – Vatan ramzi. «Sen doimo qalbimdasan, jigarim!» – degan so‘zlarini ona go‘yo Vatan bo‘lib, xalq bo‘lib aytayotgandek...

Yana bir g‘urur bilan tilga oladiganimiz azim poytaxtimiz Toshkent shahrida Prezidentimiz tashabbusi bilan xalqimiz jasoratining timsoli sifatida bunyod qilingan muhtasham «G‘alaba bog‘i» yodgorlik majmuasidir. Yodgorlik majmuasi hududida «Shon-sharaf» davlat muzeyi bunyod etilgan. O‘zbek xalqining Ikkinchi jahon urushi yillaridagi shonli tarixini, ona xalqimizning qahramonligini yaxlit aks ettirgan ushbu majmua xalqimizning yillar davomidagi orzu-intilishlarini o‘zida mujassam etgan.

«G‘alaba bog‘i»ning umumiy maydoni 14,6 gektar. Majmua ramziy 12 ta hududga bo‘lingan bo‘lib, kirish qismi, urushning dahshatli qiyofasi, markaziy xiyobon, harbiy texnikalar maydonchalari, temiryo‘l vokzali, front orti hududi, amfiteatr va ma’muriy bino, motam va anduh hududi, shod-u xurramlik hududi, g‘alaba hududi, «Shon-sharaf» davlat muzeyi va shukronalik hududidan tashkil topgan.

Bog‘ning «Matonat madhiyasi» majmuasida butun o‘zbek ayollarining sadoqati ramziga aylangan zangiotalik Zulfiya Zokirova va uning urushda halok bo‘lgan besh o‘g‘lining vafodor rafiqalari aks etgan.

«Ko‘z yoshi» majmuasi urushning mudhishligi, millati va dinidan qat’i nazar, barcha odamlar birligi ramzini ifodalaydi.

«Shon-sharaf» davlat muzeyining yuqori qismida Ikkinchi jahon urushida qatnashgan 301 nafar o‘zbekistonlik qahramon sharafiga ekilgan daraxtlar, shuningdek, «Mangu jasorat» deb nomlangan majmuada afsonaviy o‘zbek generali Sobir Rahimov va barcha o‘zbekistonlik botir jangchilarning so‘nmas xotirasi ifodalangan. Bu majmua yurtimizda tarbiya topgan qo‘rqmas, mard va jasur, matonatli sarkardalar, jangchilardan faxrlanish, jasoratidan doimo ibrat olish, dunyodagi eng buyuk xalqlardan biri ekanimizni his qilish, vatandoshlarimizda shu zamin, shu yurt farzandi ekanligidan g‘urur, faxr-iftixor tuyg‘ulari uyg‘onishiga xizmat qiladi.

«G‘alaba bog‘i» yodgorlik majmuasi huzurida Ilmiy markaz faoliyat yuritmoqda. Markaz faoliyati Ikkinchi jahon urushida ishtirok etgan va halok bo‘lgan yurtdoshlarimiz xotirasini tiklashdan iborat.

Frontda halok bo‘lgan vatandoshlarimiz haqidagi ma’lumotlarni topish maqsadida Rossiya, Belarus, Polsha, Avstriya, Isroil, Yaponiya va boshqa davlatlar bilan yaqin aloqalar o‘rnatildi. Ular bizga o‘zbek jangchilari haqidagi yangi ma’lumotlarni taqdim etmoqda. Bugungi kunda 301 nafar sobiq Ittifoq Qahramoni va «Shuhrat» ordenining to‘liq kavaleri bo‘lgan 70 dan ortiq yurtdoshimizning jasorati va jangovar yo‘lini o‘rganish bo‘yicha ilmiy izlanishlar davom etmoqda.

Ikkinchi jahon urushida halok bo‘lgan ajdodlarimiz xotirasini abadiylashtirish, bugun ham safimizda turib, Vatanimizning obro‘-e’tiborini yuksaltirishda, yoshlarni ma’naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalashga hissa qo‘shayotgan faxriylar e’zozlab kelinmoqda. Shu maqsadda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Ikkinchi jahon urushi qatnashchilarini rag‘batlantirish to‘g‘risida»gi farmoniga muvofiq, urush qatnashchilari va nogironlari, ularga tenglashtirilgan shaxslar hamda, 1941–1945-yillardagi urush davridagi mehnat fronti qatnashchilari moddiy rag‘batlantirildi.

Inson bor ekan, xotira – muqaddas. Hech kim, hech narsa esdan chiqmaydi. Xalq bugungi tinch-xotirjam zamonni asrab-avaylash, qadriga yetish uchun ham urushni, uning qahramonlarini, g‘alabaga munosib hissa qo‘shgan hech bir kishini xotirasidan forig‘ qilmaydi. Ichki ishlar organlarida xizmat qilgan Ikkinchi jahon urushi qatnashchilari, faxriylar, xizmat burchini o‘tash chog‘ida halok bo‘lgan xodimlarning oila a’zolaridan xabar olinadi va vafot etganlari yod etiladi.

Bu har qanday kishini ma’nan rag‘batlantiradi, uni yashashga, yaratishga, el-u yurtga sadoqat va qat’iyat bilan xizmat qilishga undaydi. Zero, xotira hamisha muqaddas, qadr azizdir.

Sarvar SOBIROV,
o‘z muxbirimiz.

Maqolani qoraqalpoq tilida o‘qish uchun QR-kodni skaner qiling.







ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

БИЛИМ ВА ҚОНУНГА ТАЯНИБ

Инсонни маънавий-ахлоқий жиҳатдан безайдиган фазилатлардан бири ҳалол-покиза яшаш, бировнинг ҳақига хиёнат қилмасликдир. Ҳалоллик виждон, адолат ва бурч каби ахлоқий тушунчалар билан боғлиқ. Буни яхши англаган истеъфодаги майор Абдуғаффор Бегимқулов ўз умрини ватанга хизмат қилиш, юрт осойишталиги учун фидойилик кўрсатиш йўлида сарф этди.



1982–2007 йилларда дастлаб Транспортда хавфсизликни таъминлаш йўналишида, сўнгра Термиз шаҳрида профилактика инспектори, вилоят ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасида катта инспектор, Ангор тумани ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият юритди.

– У пайтларда шароит бугунгидек эмас, транспорт, уй-жой билан таъминланиш даражаси оғирроқ эди, – деб эслайди лавҳамиз қаҳрамони. – Шунга яраша хизмат фаолияти ҳам бироз қийинроқ кечарди. Аммо, шукрки, яхши шароитларни ҳам кўриб, қўлдан келганча хизмат вазифамизни сидқидилдан адо этишга ҳаракат қилдик. Ҳамиша отам берган ўгитларга амал қилдим. Тўғри йўлдан юрдим, фақат билимим ва қонунга суяниб иш тутдим. Шукр, кам бўлмадим, бугун ҳам ички ишлар органи фахрийси сифатида ҳурматдаман. Бундан жуда мамнунман.

А. Бегимқулов 2007 йилда Музработ тумани ИИБ ҲПБ катта инспекторлигидан пенсияга чиққач, «Шарқ гули» маҳалласига раислик қилди, сўнгра туман Тиббиёт бирлашмасида ходимлар нозири бўлди. Ҳозирда Ангор тумани ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси сифатида 330 нафар фахрийнинг бошини бириктириб, тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Хусусан, 4 нафар фахрийга ногиронлик аравачаси олиб беришда, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишда ҳам ташаббус кўрсатди.

Дарвоқе, ўтган йили фахрий ходимлар ўртасида ўтказилган шахмат мусобақасида Абдуғаффор Бегимқулов вилоятда биринчи ўринни эгаллади.

– Илгари спортнинг қўл жанги ҳамда кураш тури билан шуғулланганман, – дейди А.Бегимқулов. – Кураш бўйича спорт устаси даражасига эришганман. Шахматни ҳам яхши кўраман. Ҳозир набираларим билан тез-тез дона сурамиз. Уларни спортга ошно қилишга, эришган ютуқларини рағбатлантириб боришга ҳаракат қиламан.

Фахрий қаҳрамонимиз турмуш ўртоғи Назира ая билан 2 ўғил, 2 қизни ўқитган, ҳозирда набираларининг тарбияси билан машғул.

Истеъфодаги майор бугун Ангор тумани ИИБдаги ёш ходимларга устозлик қилиб, уларга тўғри йўл кўрсатишга, эгнидаги либосига доғ туширмасликка ундайди. Ўзи китобсевар бўлгани боис уларни ҳам шунга даъват қилади. Зеро, у босиб ўтган йўл, ҳаётий тажрибалар кейинги авлод вакиллари учун ибрат бўла олади.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
ўз мухбиримиз.

ТУМАН ТАРИХИ

МОЗИЙДАН СЎЗЛОВЧИ ШАҲАР



Денов шаҳри каттали-ги ва аҳолиси сони бўйича Термиздан кейин иккинчи ўринда туради.

Денов қадимги йирик савдо ва ҳунармандчилик қишлоғи ўрнида барпо этилган тарихий кўҳна шаҳар ҳисобланади. Ёзма манбаларда XIV аср охирларидан «Деҳинав» шаклида, яъни «янги қишлоқ» мазмунида тилга олинган. Маҳмуд ибн Валининг (XVII аср) ёзишича, Деҳинав ажойиб бозори, катта масжиди ва хонақоси бўлган мустаҳкам қалъа шаҳар деган маънони англатган.

Деновнинг ҳозирги ўрнида милоддан аввалги икки минг йилликлар охирларида манзилгоҳ бўлган. Илк ва ривожланган ўрта асрларда ҳам шаҳар ҳудудидаги ушбу манзилда аҳоли нисбатан гавжум яшаган. Мўғуллар истилосидан кейин XV–XVI асрларда Чағониён-Бедрач шаҳри мавқеи пасайиб кетгач, Темурийлар даврига



келиб Деҳинав яна асосий марказлардан бирига айланади. Археологик топилмалар Денов қалъаси XV асрга оидлигини ҳамда унинг мустаҳкам қўрғон бўлганлигини тасдиқлайди. Денов қалъаси мураккаб меъморий обида бўлиб, чор атрофида хандақлар жойлашган. Қалъанинг диаметри 110 метрни ташкил этган ва қалин девор билан ўралган.

Денов XVII–XVIII асрларда Бухоро хонлиги таркибидаги алоҳида беклик бўлиб, карвон савдоси марказларидан бири ҳисобланган. Шаҳарда ҳунармандчиликнинг кўн-чарм тайёрлаш, этикдўзлик, тўқувчилик, зардўзлик, қандолатчилик, ўйинчоқсозлик каби юздан зиёд турлари ривожланган. 1907 йил Деновда амирнинг солиқ сиёсатига қарши йирик халқ ҳаракати бўлиб ўтган. 1920 йили Деновда шўролар ҳокимияти ўрнатилгач, кўпчилик ҳунармандчилик устахоналари ёпилиб, шаҳарга савдо моллари келиши тўхтаб қолади. 1925 йилда Денов орқали ўтувчи Термиз–Душанбе йўли қурилди. Денов шўролар тузуми даврида шаҳар сифатида 1958 йил ташкил этилган.

У денгиз сатҳидан қарийб 600 метр баландликда Сурхондарё ва Сангардак дарёлари оралиғида жойлашган бўлиб, бугунги кунда саноати, қишлоқ хўжалиги ҳамда савдо-сотиқ ривожланган туманлардан бири саналади.

Ўз мухбиримиз.

ВИЛОЯТ ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ

КЕЧА



БУГУН




Урок духовности и просвещения

ПРОЯВЛЕНИЕ ВНИМАНИЯ И ЗАБОТЫ – НАШ ДОЛГ

(9 Мая – День памяти и почестей)



День памяти и почестей имеет особое значение для каждого из нас. Он наполняет сердца чувством глубокого уважения к тем, кто отстоял мир, независимость страны. Президент Шавкат Мирзиёев, говоря о его значении, подчеркнул: «Мы отдаем дань памяти нашим отцам и дедам, проявившим подлинный героизм в самой страшной войне в истории человечества и спасшим мир от фашизма, всем нашим мужественным и благородным соотечественникам, кто неустанно трудился в тылу и внес достойный вклад в обеспечение Победы... Мы с благодарностью вспоминаем наших храбрых воинов, погибших при исполнении служебного долга в годы независимости, защищая свободу Родины, мир и спокойствие народа».



Почитая прошлое, мы созидаем будущее. День памяти и почестей – это напоминание о том, что стабильность и благополучие не даются сами собой. Их нужно беречь и защищать.

Проявление мужества и героизма на пути защиты Родины – нравственный ориентир для нынешнего поколения. Узбекистанцы всегда будут помнить, что на Вторую мировую войну было мобилизовано около 2 миллионов соотечественников. Более 538 тысяч из них героически погибли на полях сражений, свыше 158 тысяч пропали без вести. За годы независимости около 200 военнослужащих и сотрудников правоохранительных органов отдали свои жизни во имя мирного неба. На примере их самопожертвования, на примере ветеранов, чья жизнь – символ патриотизма, воспитывается сегодня наша молодежь.

Ежегодно 9 Мая в Узбекистане отмечается с особым размахом. В нынешнем году девизом славной даты станут слова «Не будет забыт героизм во имя процветания, мира и защиты Родины».

В соответствии с Указом Президента «О поощрении участников Второй мировой войны» и Постановлением Президента «О подготовке и достойном праздновании 80-й годовщины Победы во Второй мировой войне и Дня памяти и почестей» от 19 февраля 2025 года предусмотрено проведение на высоком уровне мероприятий, посвященных чествованию участников войны, тружеников тыла, всех тех, кто проявил мужество во имя укрепления независимости. В торжественной обстановке участникам и инвалидам Второй мировой войны, ветеранам трудового фронта будут вручены памятная юбилейная медаль «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги» и единовременное денежное вознаграждение. В парках «Ватанпарвар», махаллях, организациях и образовательных учреждениях пройдут торжественные церемонии, встречи трех поколений. Духовно-просветительские мероприятия будут проходить с участием общественных деятелей, представителей науки и культуры, учащихся военно-академических лицеев «Темурбеклар мактаби» и имени Джалолиддина Мангуберди, а также членов детско-юношеского военно-патриотического движения «Ватан таянчи». Состоятся спортивные турниры, в том числе марафоны по бегу «Мен ғолиб», символизирующие силу духа и стремление к победе.

В День памяти и почестей мы воздаем уважение героям, отдавая дань их беспримерному подвигу и самоотверженности.

Радик ТУМПАРОВ,
соб. корр.

Цифры и факты

В годы Второй мировой войны 214 тысяч узбекистанцев были награждены боевыми орденами и медалями, из них 301 – удостоены звания Героя, 70 – ордена «Славы» трех степеней.

* * *

Деятельность предприятий Узбекистана в годы войны ориентировалась на нужды фронта. Сюда были передислоцированы свыше 170 заводов и фабрик. Узбекистан отправлял на фронт технику, оружие, продовольствие.

* * *

Проявив исключительный гуманизм, Узбекистан дал кров почти 1 миллиону 500 тысячам человек, эвакуированным из зон военных действий, окружил заботой 250 тысяч детей, лишившихся родителей.





СЕМИНАР

ИЖОБИЙ ТАЖРИБАЛАР КЕНГ ОММАЛАШТИРИЛАДИ

Айни кунларда Ички ишлар вазирининг тегишли фармойишига асосан, мамлакатимизда «Хавфсиз ва соғлом юрт» тезкор-профилактик тадбири ўтказилмоқда.



Фарғонада ҳам ушбу ойлик доирасида кўплаб эзгу мақсадли тадбирлар ташкил этиляпти. Жумладан, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш юзасидан Фарғона шаҳрида йўлга қўйилаётган ижобий тажрибаларни вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида оммалаштириш мақсадида амалий семинар ташкил этилди.

Маълумки, Президентимизнинг маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича 1-сонли қарорида 2025 йилда «Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш» устувор вазифа этиб белгиланган эди, – дейди вилоят ИИБ ЖХХ ҲПБ бошлиғи, подполковник Отабек Ўринбоев. – Бугунги амалий семинарда ушбу қарор асосида олиб борилаётган ишларни Фарғона шаҳридаги янги ташкил этилган 2 та ҳуқуқ-тартибот маскани мисолида бошқаларга ибрат қилиб кўрсатдик.

Вилоят ИИБ раҳбарияти, шаҳар-туман ички ишлар бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари, ҳуқуқ-тартибот масканлари бош инспекторлари, мутасадди ходимлар ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этган семинар Фарғона шаҳар ИИОФМБда ташкил этилган ижтимоий профилактика масканидан бошланиб, Бозорбоши кўчасида янги иш бошлаган ҳуқуқ-тартибот масканида давом этди.

Ушбу янги масканнинг очилиши билан «Баҳор», «Фарғона», «Маърифат», Мирзо Улуғбек ва Ойбек номли маҳалла фуқаролар йиғинларидан иборат микроҳудуд ташкил этилди. Бу ерда 1 нафар бош инспектор, 8 нафар профилактика инспектори, 2 нафар профилактика кичик инспектори, хотин-қизлар бўйича инспектор, ЙҲХБ инспектори ҳамда 4 нафар ППХ инспектори ҳамкорликда хизмат олиб бормоқда.



Микроҳудуд тўлиқ рақамлаштирилиб, 100 га яқин кузатув камералари ҳуқуқ-тартибот масканидаги ситуацион марказга интеграция қилинган. Бу ерда маҳалла еттилиги билан ҳамкорликда йўлга қўйилган ижобий тажриба иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан атрофлича жавоб олишди.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарори ижроси доирасида Фарғона шаҳридаги «Кимёгар» маҳалла фуқаролар йиғини «Хавфсиз ҳудуд»га айлантирилмоқда. Семинар иштирокчилари ушбу маҳаллада бўлиб, «Хавфсиз кўча» ва «Хавфсиз йўлак»лар ташкил этиш жараёнларини ўрганишди. Шунингдек, маҳаллада амалга оширилаётган ижобий ишлар ва рақамлаштириш жараёнлари билан танишишди.

– «Хавфсиз кўча» ва «Хавфсиз йўлак»ларни қандай ташкил этиш керак деган саволларга бугун батафсил жавоб олдик, – дейди Тошлоқ тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Авазбек Каттабеков. – Семинарда олган тажрибаларимизни ўзимиз раҳбарлик қилаётган туманда кенг жорий этиб, қарор ижросини сўзсиз таъминлаймиз.

Тадбирнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, айнан шу ерда хонадонлар ва бошқа объектларни техник қўриқловга олишнинг аҳамияти бўйича тадбиркорлар ва аҳоли учун Қўриқлаш бошқармаси мутасаддиларининг тақдимоти ташкил этилди. «Коммунал қурилиш-таъмир сервис» МЧЖ ҳамда «Кимёгар» маҳалласи раисининг ахборотлари ҳам эшитилди.

Эзгу мақсадни кўзлаб ташкил этилган амалий семинар давомида маҳаллаларни хавфсиз муҳитга айлантириш ҳамда ҳудудларни рақамлаштириш борасида амалга ошириладиган энг муҳим ва устувор вазифалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди. Ўрганилган ижобий тажрибаларни барча шаҳар ва туманларда, маҳаллаларда оммалаштиришга келишиб олинди.

Абдувосит СИДИҚОВ,
ўз мухбиримиз.
Фарғона вилояти.

НАДОМАТ

БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКОННИ...

Фарзанди тўғри юриб, жамиятда ўз ўрнини топса, онанинг боши кўкларга етади. Лекин адашиб, жиноят кўчасига кирган бўлса-чи? Худди шундай, ҳаёт йўлларида улоқиб, жиноят кўчасига кирган, онасининг панду насиҳатларига қулоқ солмаган 9-синф ўқувчисининг онасига ёзган шеърини сиз билан баҳам кўрмоқчиман.



ЖАННАТИМ – ОНАМ

Онажон, кечиринг нодон ўғлингиз,
Тўлдириб юрмадим қайноқ бағрингиз.
Қилган хатоларим кеч англаб етдим,
Олтинга тенг экан сизнинг сўзингиз.
Дердингиз, ҳаромдан ҳазар қил, болам,
Мен учун қайғурган, жаннатим – онам.

Қадрлай олмадим олтиндай сўзни,
Ҳаёт очиб қўйди бу сўқир кўзни.
Қайтаман тез кунда кутинг, онажон,
Онажон, жудаям соғиндим сизни.
Дердингиз, ҳаромдан ҳазар қил, болам,
Мен учун қайғурган, жаннатим – онам.

Кечира олсангиз, кечиринг мени,
Ҳар куни қон йиғлаб эслайман сизни.
Ҳали бу кунлар ҳам ўтиб кетади,
Ортиқ ёшлатмайман бу қора кўзни.
Дердингиз, ҳаромдан ҳазар қил, болам,
Мен учун қайғурган жаннатим – онам.

Эзгуликнинг эрта-кечи йўқ. Бу йигитимиз ҳам онаси бағрига қайтиб боргач, ҳаётини тўғри йўлга қўйиб, жамиятда ўз ўрнини топишига ишонамиз.

Гўзал ЖАФАРОВА,
ўз мухбиримиз.

Профессионалы своего дела

ПОМОГАЯ ДРУГИМ, ОБРЕТАЕШЬ И СВОЕ СЧАСТЬЕ

18 апреля текущего года трое сотрудников МООН УВД Сырдарьинской области спасли жизнь гражданина, у которого внезапно ухудшилось самочувствие. Как выяснилось, 35-летний Алексей, проживающий в 1-м массиве города Гулистана, вышел на вечернюю прогулку к каналу Дустлик. Внезапно у него затруднилось дыхание, и он упал на землю. Находившиеся на службе командир группы МООН УВД области капитан Элёр Аманбоев, кинолог старший сержант Отабек Йигиталиев и водитель старший сержант Эркин Вохиджонов незамедлительно оказали ему первую доврачебную помощь. Сотрудники боролись за жизнь молодого человека, у которого практически остановилось сердце.

Старший сержант Отабек Йигиталиев, родился в 1990 году в Акалтынском районе. В школе он был одним из примерных учеников. Наряду с этим он регулярно занимался спортом. В 2007–2008 годах учился в сельскохозяйственном профессиональном колледже. После этого проходил военную службу. С 2014 года служит в системе органов внутренних дел. В МООН УВД с 2016 года.

Старший сержант Эркин Вохиджонов родился в 1987 году в городе Гулистане. Начал свою деятельность в ОВД в 2007 году. В том же году был принят на должность инспектора пожарной безопасности УВД области. С 2011 года работает в должности старшего специалиста-водителя МООН. Своевременно выполняет поручения, содержит закрепленную за ним технику в исправном состоянии.



Командир группы капитан Элёр Аманбоев, родился в 1986 году в Баяутском районе. Окончил Гулистанский государственный университет. В 2011 году принят на службу. Неоднократно поощрялся. Всегда в первых рядах в борьбе с лицами, посягающими на чужое имущество и нарушающими спокойную жизнь людей.

– Когда здоровье сына резко ухудшилось, грамотные, слаженные действия сотрудников правоохраны помогли ему. Они не просто исполнили свой долг, а вернули мне сына. Нет таких слов, которые могли бы в полной мере выразить мою признательность этим молодым людям. Их поступок навсегда останется в сердце. Спасибо вам, – говорит мама Алексея Нариманова.

– Радость видеть благодарность в глазах людей, которым помог, – говорит капитан Элёр Аманбоев. – Ничто не может заменить это чувство. По-настоящему счастливым можно стать, только делая счастливыми окружающих.

Абдурахмон МУСТАФОКУЛОВ,
соб. корр.
Сырдарьинская область.

ОПЫТНЫЙ НАСТАВНИК

В Бухарском академическом лицее МВД Республики Узбекистан работает немало преданных своей профессии наставников. Возглавляет дружный коллектив единомышленников директор лицея подполковник Журабек Гойибов. Человек слова, он умеет доводить до конца все начатое. Пользуется уважением в коллективе.

– Реформы в системе органов внутренних дел также коснулись отбора кадров на службу. Сегодня на страже мира и правопорядка трудятся самые достойные, – говорит подполковник Гойибов. – В 2003 г. после окончания магистратуры Академии МВД службу начал с должности инспектора отдела въезда, выезда и оформления гражданства областного УВД. Это было почти четверть века назад.

В нынешней должности подполковник уже три года. В коллективе создана творческая атмосфера. В учебном процессе педагоги широко используют современные технологии. Это отражается на достижениях учащихся.

Так, лицеист Мирали Мухаммедов стал победителем олимпиады по предмету «Правоведение», проведенной среди академических лицеев МВД. Призовые места на областных этапах республиканских предметных олимпиад заняли двое учащихся, на онлайн-олимпиадах – 19. Более 50 лицеистов имеют сертификат по иностранным языкам, 17 учащихся – по истории, 8 – по родному языку.

Команда лицея успешно выступила на республиканском этапе интеллектуальной игры «Заковат» среди средних специальных учебных заведений. Двое лицеистов удостоены нагрудного знака МВД «За успехи в учебе». Еще двое являются стипендиатами министра.



На снимке: *момент подписания меморандума о сотрудничестве директором школы № 32 города Бухары Санжаром Ибрагимовым и директором Академического лицея подполковником Журабеком Гойибовым.*

– Успехи и достижения есть и у педагогов, – рассказывает директор лицея. – В текущем году 8 учителей стали победителями и призерами смотра-конкурса на звание лучшего преподавателя-предметника среди академических лицеев МВД. За минувшее время разработаны 14 учебно-методических пособий, выпущены 101 научная статья и тезисы. Два преподавателя получили степень доктора философии (PhD). Семь педагогов ведут научную работу в качестве самостоятельных соискателей.

Сам подполковник Ж. Гойибов в 2022 году защитил диссертацию на тему «Совершенствование правового и административного регулирования процессов миграции в Республике Узбекистан». Он автор более 50 научных работ. В прошлом году в соавторстве с доцентом Д. Зариповой выпустил учебное пособие по правовой культуре. Недавно по рекомендации Ученого совета Бухарского государственного университета Ж. Гойибову присвоена ученая степень – доцент. Статья о его деятельности включена в энциклопедию «Мой путь успеха».

Мирзокул АХАДОВ,
соб. корр.
Бухарская область.

Постда
Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!
РЎЗНОМА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ
• 2025-yil 24-aprel • № 17

ГАЗЕТАСИНИНГ 95 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҲАМОН ЎРНИ БИЛИНАДИ

Фурқат Ҳолиқулов 1951 йилда Тошкент вилоятининг Бекобод туманида таваллуд топди. У 1973 йилда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлагач, турли лавозимларда самарали меҳнат қилди. 2005 йилда Бирлашган таҳририят жамоасига қабул қилинди.



Фурқат ака мухбир сифатида мақолалар ёзишдан ташқари, ҳудудий мухбирларимизнинг ҳафталик режани ўз вақтида бажаришини таъминларди. У ҳафтанинг охирида режани барчага етказарди. Кейинги ҳафтанинг душанба кунидан қабулхонадаги шаҳар телефонидан ҳудудий мухбирларимизга қўнғироқ қилиб, мақолаларни талаб қилишни бошларди. Таҳририятимиз йўлагида унинг жарангдор овози янграб турарди. Режани бажаришмагунча уларни ҳоли жонига қўймасди.

У талабчанлигига қарамай, айни пайтда ниҳоятда кўнгилчан инсон эди. Айрим таҳрир қилган материалларини саёз, умумий гаплардан иборат бўлгани учун «Бўлмайди, архивга топширинг», деб қайтариб берардим. Шунда «Умид билан ёзган, қанча меҳнат қилган» деб, муаллиф билан боғланиб, мақолаларни фактлар билан бойитарди. Ўзидан ҳам кўнгилга «жиз» этиб тегадиган гаплар қўшарди. Хуллас, уриниб-уриниб материални «одам» қиларди.



Фурқат ака муаллифлар билан ҳамкорлик қилишнинг ҳадисини олганди. Жуссали, ёши катта бўлишига қарамай, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, Тошкент Давлат юридик институтига, бошқа ҳамкор ташкилотларга бориб келишга ҳеч ҳам эринмасди. Таниқли адабиётшунос олима Суйима Ғаниевадан Алишер Навоий ижоди ҳақида ажойиб мақола «ундириб» келгани кечагидек ёдимда. Ҳаммамиз унинг ғайрат-шижоатига қойил қолардик.

Жамоамизнинг ёши улуғ аъзоси бўлгани учун ҳаётий масалаларда ҳеч кимдан жўяли маслаҳатини аямасди. Айниқса, ёшларга оталарча ғамхўрлик кўрсатарди. Лекин «ёшим улуғ» деб ўта сипогарчилик ҳам қилмасди. Байрам тадбирларида, ҳамкасбларимизнинг таваллуд айёмларида, бошқа хурсандчилик кунларида уларнинг шодлигига шерик бўлар, ҳаммага қўшилиб ҳаётдан завқланарди. Бу ажойиб инсон ҳозир орамизда бўлмаса-да, уни доимо илиқ сўзлар билан эслаймиз. Фурқат аканинг жамоамизда кечган фаолиятини ёшларга ўрнак сифатида кўрсатамиз.

Бобомурод ТОШЕВ,
ўз мухбиримиз.

КИТОБХОН ХОДИМ

ПРОФЕССИОНАЛ ЎСИШ КАЛИТИ

Кармана тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов гуруҳи катта терговчиси, капитан Шаҳризод Худойбердиев ўз вазифасига сидқидилдан, масъулият билан ёндашадиган фидойи ходимлардан. Лавҳамиз қаҳрамони сийратида чуқур тафаккур, теран мушоҳада, кузатувчанлик мужассам.



У китобхонликни профессионал ўсиш калити деб ҳисоблайди. Болаликдан китобга меҳр қўйди. Айниқса, детектив жанридаги асарларни севиб ўқийди. Мутолаа жараёнида ўрганганларини касб фаолиятида қўллаб ҳам туради. Яқинда Артур Конан Дойлнинг машҳур «Шерлок Холмснинг сўнгги саргузаштлари» китобини ўқиб чиқди.

– Асар менда чуқур таассурот қолдирди. Шерлок Холмсдан тартиб-интизом бобида намуна олса арзийди. У ниҳоятда кузатувчан, таҳлил қобилияти кучли изқувар. Ҳар бир майда деталдан ҳам муайян хулоса чиқара олади. Бу эса ҳар қандай жиноятни фош этишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир ходимда таҳлил ва мушоҳада юритиш қобилияти бўлиши керак. Диққатни жамлаш, маълумотларни ўзаро боғлаш қобилияти эса ҳам тажриба, ҳам билим, ҳам эътибор самарасидир. Холмснинг услубини ўрганиш менга ўз ишимга янгича ёндашишимда туртки бўлди, – дейди капитан Шаҳризод Худойбердиев.

Унинг нафақат ўзи кўп китоб ўқийди, шунингдек, ҳамкасблари орасида ҳам китобхонликни кенг тарғиб қилади. Лавҳамиз қаҳрамони таъкидлаганидек, кўп китоб ўқиш нафақат хизмат фаолиятида муваффақиятларга эришиш гарови, балки инсон маънавиятини юксалтиришнинг самарали воситасидир. Айниқса, бадиий асарлар мутолааси турли инсонларнинг феъл-атвори, руҳий ҳолатларини тушунишга кўмаклашади. Қолаверса, кишига эстетик завқ-шавқ бағишлайди, унинг сўз бойлигини оширади, фикрини аниқ, равон ва таъсирчан ифодалашга ўргатади.



Маҳлиё ХОЛОВА,
ўз мухбиримиз.
Навоий вилояти.

ЖАДИДЛАР ДЕЙДИКИ...

МАКТАБДАН БОШЛАНАР ТАРАҚҚИЙ ЙЎЛИ

Ҳар қандай тараққиётнинг илк қадами қўйиладиган йўл мактабдан бошланишини тўла идрок этган жадид боболаримиз маърифатчилик ҳаракатига алоҳида эътибор қаратишган. Мактаб ва маориф тараққий этса, миллат камолотга эришади, миллат мукаммаллашса, мамлакат ривожланади, деган ақидага амал қилган маърифатпарварлардан бири Собиржон Ғанизоданинг «Изҳор ул-ҳақ» журналининг 1918 йил 13 апрелдаги 8-жузъида нашр этилган «Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққий йўли» сарлавҳали мақоласида ҳам айнан шу қарашлар илгари сурилган.

Ёзилганига бир асрдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган фикрлар сизни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган умидда мақолани қисқартириб беряпмиз.

Таҳририятдан.

Мактаб ва мадраса бир миллатнинг ҳатто бани одамнинг даражаи тараққий ва таолийси деб бўладур. Фақат тараққий ва таолийни мактаб ва мадрасаларни кўплиги ила бўлмайинча, балки низом ва тартиблик бўлуб, яхши идора этилмоғи ила бўладур. Дунёда мавжуд миллатлар тараққийни ибтидоий мактаблардан бошларлар. Ҳақиқатан, тараққий ва таолий учун биринчи йўл ва асосул-асос мактабдур. Мактаб ислоҳ қилинса, умумий ишлар ислоҳ ва тартибга кирди деб бўладур. Чунки камроқ бўлса ҳам, ислоҳ қилинган мактабдан чиққан болалар ислоҳпарвар бўлурлар.

Биз туркистонийларга лозимдурки, азизул-вужуд болаларимизнинг кўз очиб кўрадургон, 8–15 йиллар умр сарф қиладургон «Дор-ултарбия»лари бўлган мактабларнинг ҳолига назари диққат ила қарасанг, хоҳ Бухорои шариф, Самарқанд, Тошканд, хулоса умумтуркистон шаҳарларинда бўлган мусулмон қариндошларимиз инсоф ила фикр қилсалар, мактабларимизни кўб паришон ва беинтизом ҳолда кўрарлар. Таҳзиб ва тасфияи ахлоқ деган нарса мактабларимизда ҳеч йўқ. Муддати таҳсил кўб узоқ бўлгани учун кўб кишилар болаларини 8–15 йил мактабга қўёлмайдурлар, чунки қудрат ва истеъдодлари етмайдур. Ҳам мактабларимизга интизом йўқдур. Шунинг учун мактабда юрган азиз, гавҳари ноёб болаларимиздан ўн беш ё саккиз нафардан икки ё уч нафари аҳли савод бўлиб чиқадурлар. Мактабларда зарур китоблардан таълим бермаганлари ва ўқиган китобларининг маънисини болаларга билдирмаганлари учун болалар ўқумоқ ва ёзмоқдан бошқа мактабдан ҳеч бир маълумот олмайдилар.

Мактаб ва мадраса бир миллат ва бир қавмнинг эмас, бутун курраи арзда (ер юзида) яшайтурган инсонларнинг даражаи тараққийи ва таолийси бўлиб, мактаб ва мадрасалар бўлмаган ёхуд бўлувида интизом ва тартибга қўйилмаган миллатларнинг ҳоли паришон, мозийси барбод, истиқболи қоронғу ва умидсиз бўлур. Бугун Бухорода юзларча мадраса, 355 қадар ибтидоий мактаблар бордур. Булардан ҳеч бириси тартиб ва интизомлик эмас.

Илму фан, ҳадди зотинда саноат жумласидин бўлганлиги учун бошқа санъатлар каби маданият ва имронга тобеъдур. Маданият илгари кетган ҳолда, илм ҳам тараққий этиб, илгари кетадур. Нафси илм санъат жумласидин бўлгани каби, таълим ва тарбия равишлари ҳам санъат жумласидиндур. Биноан алайҳ замон ва маданият тараққий этиб, эҳтиёж ва изтирор каби шайлар кўб воқеъ бўлган неча таълим ва тарбиянинг равиши ва суратлари ҳам тағйир ва табдил топадур.

Ҳозирда мактабларни идора жиҳатидан «мактаби умумия ва мактаби хусусия» иккига айирдилар. Таълим ва тадрис назаридан ҳам «ибтидоий ва рушдий, аъдодий ва олий» номларига тақсим қилиниб юритиладир. Ибтидоий мактаблар эса инсоннинг энг илгариги маъруф хонаси бўлиб, анда заруриёти дин, одоб, ахлоқ, ўқув, ёзув, қироат дарслари таълим этилиб, таҳсил қилинур. Ибтидоий мактаблар болаларни қандай бир йўл ва маслакка киритмоқ хоҳласа, ул йўл ва маслакка юритаюрган суратда бир вақт пайдо қилиб чиқорган, ҳозир этиб борадур (яъни ҳозирда ҳам шундай қилиб келмоқда). Шунинг учун ибтидоий мактабларимизни кўб мураттаб (тартибли) ва мунтазам (интизомли) бўлмоғи лозим ва лобуддур. Зеро, бизларни тараққий ва таолий қилдиргувчи ибтидоий мактабдур. Афандилар, такрор этаманки, ғоят муҳим масаламиз мактаб масаласидур. Мактабларимиз муайян бир йўлга кирса, яъни ислоҳ интизом топса, мунинг ортидан бошқа миллий ишларимиз ислоҳ йўлига кириб, миллатимизнинг ҳар жиҳатдан тараққий этмоғи ва юзларимизга нажот ва рафоҳият эшигининг ўзидан-ўзи очилиб кетмоғи мумкиндур.

Темир ҚУРБОН
тайёрлади.

MULOHAZA

BOLANGIZ «BUKRI» BO‘LMASIN

Har bir bola parvarishga muhtoj nozik nihol. Binobarin, uni hech qachon mehr va e’tibordan chetda qoldirib bo‘lmaydi. Ta’kidlash lozimki, bugun bolalar ko‘taradigan maktab sumkasi o‘zlaridan-da, og‘irligi borasida turli gap-so‘zlar yuradi. Bu albatta, og‘riqli mavzu. Negaki, doimiy og‘ir sumka bilan maktabga qatnash bolaning orqa va bo‘yin qismida og‘riq, yelkasida esa noqulaylik hissiga sabab bo‘lishi, charchoq kuchayishi hamda muvozanati o‘zgarishi sababli umurtqa pog‘onasiga ta’sir etishi mumkin.

Ma’lumotlarga ko‘ra, 12–14 yoshli bolalarda umurtqa pog‘onasi o‘sishining muhim bosqichi ro‘y beradi, shuning uchun bu yoshdagi bolalarda qo‘shimcha ehtiyot choralarini amalga oshirish kerakligi aytiladi.



Standart bormi?

Albatta, standartlar belgilangan. Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasi mutaxassislari tavsiyalariga ko‘ra, sumkadagi darsliklar o‘quvchilar tana vaznining 10 foizi atrofida bo‘lishi kerak. Masalan, O‘zbekistonda bolalar 7 yoshda maktabga chiqishadi va bu paytda ularning o‘rtacha tana vazni 23 kg ni tashkil qiladi. Demak, ular uchun o‘rtacha 2,3 kg li sumka ko‘tarish me’yor hisoblanadi. 10 yoshli bola (4-sinf o‘quvchisi) esa o‘rtacha 32 kg bo‘ladi. Uning sumkasi esa 3,2 kg atrofida bo‘lishi kerak. Sinflar misolida darsliklar 1–2-sinf 3 kg dan, 3–4-sinf 3,5 kg dan, 5–6-sinf 5kg dan, 7–8-sinf 6,5 kg dan, 9–11-sinf o‘quvchilari uchun 8 kg dan og‘ir bo‘lmasligi kerak.

Ota-onalarga tavsiya

Shubhasiz, farzand tarbiyasi, uning salomatligiga ayniqsa ota-onalar birinchi galda e’tiborli bo‘lishi muhim. Ular hatto oddiygina ryukzakni tanlashda uning tuzilishiga alohida ahamiyat berishi kerak. Uning yelkaga osiladigan tasmalari keng bo‘lishi muhim. Ensiz tasmali ryukzaklar og‘ir bo‘lganda yelkaga botadi va og‘riq paydo qiladi. Ryukzaklar hajmi belning pastki qismidan ensiz, ko‘krak aylanasidan enliroq bo‘lmasligi kerak. Shuningdek, ular tikilgan mato, sumkaning hajmi yengil ekaniga ham e’tibor qaratish lozim.

Yana bolaning sumkasini muntazam tekshirib, undan ortiqcha narsalarni olib tashlash va faqat eng keraklilarini qoldirish zarur. Shunda turli ortopedik muammolar, har xil kasalliklarning oldi olingan bo‘ladi. Biz yuqorida bejizga standartlarni keltirib o‘tmadik. Unga amal qilish farzandlar sog‘lig‘iga qaratilgan dastlabki, ammo jiddiy e’tibor bo‘lib xizmat qiladi.

To‘g‘ri, ba’zi olimlar agar bola sog‘lom rivojlanayotgan bo‘lsa, belgilangan me’yordagidan birmuncha ortiq yuk ko‘tarsa ham, uning salomatligiga ziyon yetmasligini iddao qilishadi. Biroq, ortiqcha yuk ko‘tarib yurish doimiy bo‘lmasligi shart!

Abror POYONOV,
o‘z muxbirimiz.

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Фарзандлар кўзида қувонч порласин,

– дейди Оқдарё тумани ИИБ ЖХХ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, капитан Дилдора Эшонқулова

Дунёда касблар кўп. Лекин улар орасида шундай бир касб борки, унда халқимиз тинчлиги, юртимиз осойишталиги учун масъулият ҳисси билан яшайдиган, қасамёдига содиқ ҳолда, ишини муқаддас бурч деб билгувчи жонкуяр одамлар фаолият юритишади. Ички ишлар органлари ходимлари ана шундай масъулиятли касб эгаларидир.



Дилдора Эшонқулова 22 йилдирки, ички ишлар органлари соҳасида фаолият олиб бормоқда. Жамоада ўз меҳнати, изланувчанлиги билан ҳурмат қозонган. Бунинг замирида фақат ҳаракат, интилиш мужассам. Уй-рўзғор, фарзандлар тарбиясидан ортиб, ўз устида ишлашга вақт топади. Эртанги кун эзгу мақсадлари сари ҳаракат қилади. Юксак самимиятга эга инсон атрофдагилар қалбида бағрикенглик, олижаноблик каби туйғуларни уйғота олади. Ҳамкасблари, айниқса, ёш ходимларга ўз касбий тажрибаларини ўртоқлашиш, кези келганида, билмаганларини ўргатишдан эринмайди.

– Ҳар куни хизмат либосимни кийиб, ишга йўл оларканман, менга ҳавас билан қарайдиганлар кўп. Очиғини айтганда, бу либос зиммамга катта масъулият юклаши билан бир қаторда, қалбимни фахрга тўлдиради, – дейди капитан Дилдора Эшонқулова.

– Дилдора опадан ўрганадиган нарсаларим кўп, – дейди Оқдарё тумани ИИБ ЖХХ ҲПБ катта инспектори, капитан Достон Комилов. – Ўз ишини яхши билади. Ҳузурига нажот истаб келган хотин-қизларни диққат билан тинглайди, уларнинг кўнглига йўл топиб, дардини эшитиш билан бирга, муаммосига кўмаклашишга ҳаракат қилади. Низоли оилаларга кириб суҳбатлашганда, уларнинг кўзларига қараб нима демоқчи эканлигини дарров сезади.

Лавҳамиз қаҳрамони хотин-қизлар билан суҳбатларда, маҳаллаларда профилактик тарғибот тадбирлари доирасида оилалар шароитини, аёлларни қийнаётган муаммоларни, қайнона-келин муносабатларини атрофлича ўрганишга ҳаракат қилади.

– Оила тинч бўлса, аёллар бахтли, фарзандлар кўзларида қувонч порлайди, – дейди Дилдора Эшонқулова. – Мен ҳеч бир аёлнинг оиласидан айри, гўдаклар ота-она меҳрига зор бўлишини хоҳламайман. Ахир соғлом оилада камол топган фарзандларнинг эртаси ҳам ёруғ бўлади.

Ҳа, лавҳамиз қаҳрамони доим эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилсам, атрофдагиларга озроқ нафим тегса, деб яшайди. Хотин-қизларга амалий ёрдам беришга, мушкулини осон қилишга, қонунийликни таъминлашга ҳаракат қилади. Улардан раҳмат эшитганда, кўнгли тоғдек юксалади.

Умида МАМАДАЛИЕВА.

Самарқанд вилояти.

«ХАВФСИЗ ВА СОҒЛОМ ЮРТ»

ТЕЗКОР ҲАМДА ТАЖРИБАЛИ

Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядида ўктам, чапдаст ва зукко ходимлар талайгина. Уларга тажрибали раҳбар, подполковник Бахтиёр Мўминов бошчилик қилиб келмоқда. Отряднинг жанговар тайёргарлигидан тортиб, берилган топшириқни бажаришгача бўлган масъулиятли жараён айнан мазкур мутахассиснинг назоратида амалга оширилади.

Отряд ходимлари жамоат жойларида осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашишда тезкорлик билан чора-тадбирларни қўллайди.

Уюшган жиноятчи гуруҳлар тинчликка рахна солувчи энг катта хавф омилларидан ҳисобланади. Уларнинг хавфли жиҳати — уюшганлиги ва турли қурол воситаларига эга бўлиши мумкинлиги. Бу эса уларга қарши курашиш жараёнини мураккаблаштиради. Шу боис бундай жиноий тўдаларни қўлга олиш пайтида айнан махсус тайёргарликка эга сафарбар отряд хизматидан фойдаланилади.

Вилоятда ўтказилаётган «Хавфсиз ва соғлом юрт» кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирлар давомида коррупция ва бошқа жиноятларни аниқлаш чоралари кўрилмоқда. Масалан, Олтинкўл туманида ўз хонадонида таваккалчиликка асосланган қимор ўйинларини ташкил этган шахс ва ўйин иштирокчилари қўлга олинди. Андижон туманида эса мансабдор шахс томонидан коррупцияга йўл қўйилиши билан боғлиқ ҳолат фош этилди. Асакада ҳам ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилган давлат хизматчисининг кирдикорларига вақтида чек қўйилди. Бу каби жиноятлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам аниқланиб, унинг иштирокчилари қонун ҳукмига топширилди.

Бугун Андижон кўчалари турли автотранспорт воситалари билан гавжум. Бу эса йўл-патруль хизмати ходимларидан янада кўпроқ диққат-эътибор ва ҳушёрликни талаб қилади. Шу мақсадда йўл-патруль хизмати ходимлари билан ҳамкорликка сафарбар отряд ходимлари ҳам жалб этилган. Мақсад — ички ишлар ходимларининг талабларига бўйсунмаган шахслар устидан қатъий назоратни йўлга қўйиш.

Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар гуруҳ ходимлари нафақат жанговар, балки ахлоқий, психологик, маънавий, маърифий тайёргарликдан ўтиб, ўз билимларини такомиллаштириб боради. Чунки юқори ақлий салоҳият ҳамда кучли психология уларнинг тезкор ва



тўғри қарор қабул қилишида муҳим роль ўйнайди.

Отрядда кўп йиллик тажрибага эга салоҳиятли ходимлар кўпчиликни ташкил этади. Республикада ўтказиладиган турли спорт мусобақаларида ҳам вилоят ички ишлар бошқармаси шарафини асосан сафарбар бўлинма вакиллари ҳимоя қилади. Уларнинг спорт ва бошқа беллашувларда қўлга киритган ютуқлари ҳамда фидокорона хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган. Жумладан, капитан Муҳаммаджон Қўчқоров «Мардлик» ордени, сержант Акрамжон Абдулазизов «Аъло хизматлари учун» кўкрак нишони, сержант Таваккал Сотқинов «Содиқ хизматлари учун» медали, катта сержант Жўрабек Боймирзаев ҳамда кичик сержант Дурдона Қодирова «Жасорат» медаллари билан тақдирланган.

Нигора ТЎХТАМАТОВА,
ўз мухбиримиз.

Андижон вилояти.

Туризм

ФОРМУЛА ГОСТЕПРИИМСТВА

Самарканд – жемчужина Узбекистана, признанный туристический центр. Этот город, с его многовековой историей, богатейшей культурой, ежегодно привлекает тысячи путешественников.



Инспектор группы охраны общественного порядка Управления по обеспечению безопасного туризма УВД Самаркандской области лейтенант Нозимахон Эгамбердиева вместе с коллегами обеспечивает правопорядок и безопасность на территории уникального историко-этнографического парка «Вечный город», где посетители могут прикоснуться к традициям народа, увидеть произведения мастеров прикладного искусства, оказаться на перекрестке культур.

– Для нас владение несколькими языками не просто преимущество, а обязательное условие, – говорит она. – Это позволяет эффективно взаимодействовать с туристами, оперативно реагировать на возникающие у них вопросы. Сегодня туристы, планируя поездки, все чаще обращаются к онлайн-источникам на иностранных языках. Большинство цифровых сервисов, включая средства навигации, платформы регистрации гостей, многочисленные мобильные приложения, ориентированы на мультиязычную аудиторию.

Фируза СОБИРОВА.

Джизакская область

ЯРМАРКА ВАКАНСИЙ: ШАГ К ПРОФЕССИИ

В Молодежном городке города Джизака состоялась областная ярмарка рабочих мест. На ней 375 субъектов предпринимательства и государственных учреждений предложили 3 800 вакансий.





Среди желающих обрести работу были 149 человек, находящихся под надзором службы пробации органов внутренних дел, вышедших на свободу в соответствии с Указом главы государства «О помиловании группы лиц, отбывающих срок наказания, чистосердечно раскаявшихся в содеянном и твердо вставших на путь исправления».



Специалисты рассказали о возможностях, предоставляемых тем, кто намерен открыть свой бизнес, наладить выпуск товаров или оказание услуг, разъяснили порядок получения кредитов, субсидий, дали советы по составлению бизнес-планов, относительно доступа к другим ресурсам.

В ходе мероприятия были организованы выставки образцов выпускаемой продукции, изделий народных ремесел. Также состоялся концерт мастеров искусств, прошли соревнования по курашу, настольному теннису, шахматам.

В течение дня обеспечена занятость 132 граждан. Еще 135 желающих получили направления на курсы обучения профессиям. В том числе 29 лиц, находящихся под надзором службы пробации.

Алижон АБДУСАТТОРОВ, соб. корр.





MUTAXASSIS FIKRI

ZARARLI DASTURLARNING ZARARI QANCHALIK?

Bugun axborot texnologiyalari inson hayotini yengillashtirish va vaqtini tejash bilan bir qatorda, ko‘plab muammolarni ham keltirib chiqarmoqda. Axborot texnologiyalari imkoniyatlaridan keng foydalanayotgan firibgarlar o‘zlarining g‘arazli maqsadlarini amalga oshirishyapti. Kiberjinoyatchilar tomonidan foydalanilayotgan zararli dasturlar (viruslar) evolyutsiyasi va ularning tarqalishi butun dunyo bo‘ylab ma’lumotlarning maxfiyligi, ishonchliligi, eng muhimi, himoyalanganlik talablarining buzilishiga olib kelmoqda.



Zararli dasturlar evolyutsiyasi katta davrni o‘z ichiga olmasa-da, shu qisqa vaqt davomida ularning ko‘plab turlari yaratildi. Zamonaviy zararli dasturlarning ilk ko‘rinishlaridan biri Karnel universiteti aspiranti Robert Moris tomonidan ishlab chiqilib, 1988-yil 2-noyabrda internet tarmog‘iga joylashtirilgan. **«Morris chuvalchangi»** («Morris worm») deb nomlangan ushbu virusning tarqalishi natijasida internet foydalanuvchilariga 96,5 million AQSH dollari miqdorida zarar yetkazilgan.

Dastlab zararli dasturlar qiziqish va tajriba o‘tkazish maqsadida foydalanilgan bo‘lsa, bugungi kunda ular ma’lumotlarni o‘g‘irlash, josuslik, geosiyosiy manipulyatsiya va boshqa g‘arazli maqsadlarni amalga oshirish uchun yaratilayotgan murakkab tizimga aylandi.


Keng tarqalgan zararli dasturlardan biri **«Ransomware»** bo‘lib, u foydalanuvchi kompyuteridagi fayllarga kirishni cheklab qo‘yadi. Ushbu fayllarni qaytarib olish uchun shifrni ochish kaliti zarur. Kalit kiberhujum tashkilotchisi yuborgan hisobraqamga belgilangan miqdordagi pul mablag‘i o‘tkazilgandan so‘ng taqdim etiladi. Ammo har safar ham to‘lov amalga oshirilgandan so‘ng jabrlanuvchilarga ularning ma’lumotlari qaytarib berilmaydi.

Statistik ma’lumotlarga ko‘ra, 2023-yilda «Ransomware» dasturlaridan zarar ko‘rganlar soni 2022-yildagiga qaraganda 70 foizga o‘sgan. So‘nggi uch yil ichida amalga oshirilgan kiberhujumlar soni tahlil qilinganda esa, 2021-yilda 304 million, 2022-yilda 236,1 million marotaba amalga oshirilganini ko‘rish mumkin. Bunday ko‘ngilsiz hodisalarning oldini olish maqsadida «Google» har haftada zararli dasturlarni o‘z ichiga olgan 50 ta veb saytni aniqlab, bloklash choralarini ko‘radi.

Zararli dasturlarning ta’siri keng ko‘lamli bo‘lib, nafaqat mamlakatning ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy sohalariga, balki oddiy internet foydalanuvchilariga ham katta xavf tug‘dirishi mumkin.

Zararli dasturlar orqali amalga oshiriladigan kiberhujumlar katta moliyaviy yo‘qotishlarga olib kelishi bilan birga, ma’lumotlarning o‘g‘irlanishi, intellektual mulk huquqlarining buzilishiga ham sabab bo‘ladi. Misol uchun, 2023-yilda ma’lumotlarning o‘g‘irlanishi oqibatida 4,45 million dollar miqdorida zarar ko‘rilgan.

Xakerlar katta sanoat industriyalari tizimiga buzib kirish va ma’lumotlarni qo‘lga kiritish uchun ommaviy kiberhujumlarning yangi, o‘ziga xos turlarini yaratishmoqda. Xususan, kiberjinoyatchilar autentifikatsiya ma’lumotlarini qo‘lga kiritishni juda yaxshi ko‘radilar, chunki autentifikatsiya ma’lumotlari ular o‘ylagan g‘arazli maqsadlarni amalga oshirish va har qanday tizimga kirishning ishonchli, samarali, xavfsiz usulidir.



Karnel universiteti aspiranti Robert Moris.

Xakerlar autentifikatsiya ma’lumotlarini odatda zararli veb-saytlar, botnetlar yoki fishing elektron pochta xabarlarini tarqatish orqali qo‘lga kiritishi



mumkin. Bunda foydalanuvchi zararli havolaga kirishi natijasida qurilmadagi karta ma’lumotlari, himoya parollari, shaxsiy yozishmalar va shunga o‘xshash boshqa shaxsiy ma’lumotlardan, hatto qurilmaning «cookie» fayllaridan ham nusxa ko‘chirib olinishi mumkin. Bundan tashqari, doimiy ravishda bir xil himoya parollaridan foydalanadigan internet foydalanuvchilarning xakerlardan jabrlanish ehtimoli bir necha barobarga ortadi. «SpyCloud» tadqiqotlari shuni ko‘rsatadiki, 2022-yilda ma’lumotlari ikki yoki undan ko‘p marotaba buzilgan internet foydalanuvchilarining 72 foizi o‘z himoya parollaridan ilova va dasturlarda qayta foydalangan. Bu har to‘rt kishidan deyarli uch nafari xakerlar tomonidan o‘g‘irlangan himoya parollaridan yana qayta foydalanganini bildiradi.

Zararli dasturlardan himoyalanishning oddiy va samarali yo‘li, bu – antivirus dasturlarini o‘rnatish va ulardan foydalanishdir. Ammo har doim ham antiviruslar qurilmani to‘la himoya qila olmaydi. Masalan, «Doktor Web» kompaniyasi mutaxassislari o‘rnatilishi vaqtida kompyuterdagi antivirus dasturini o‘chirib tashlovchi virusni aniqlashganini ma’lum qilishdi. **«Linux.BtcMine.174»** deb nomlanuvchi ushbu troyan virusi kompyuterga tushganda, DDoS hujumlarida ishtirok eta oluvchi **«Linux.BackDoor.Gates.9»** nomli boshqa virusni o‘rnatadi. So‘ngra virus kompyuterda boshqa raqobatchi virus-maynerlarni izlab, ularni yopadi, antivirus dasturlarini qidirib topadi va o‘chirib tashlaydi. Shundan keyin «Monero» kriptovalyutasini mayning qilish jarayonini ishga tushiradi. Virusli dastur o‘zini o‘zi to‘g‘ri ishlayotganini muntazam tekshirib turadi va muammo holatida uni qayta yuklaydi hamda doimiy yangilanmalarni o‘rnatib turadi. Mutaxassislar yangi virusdan himoyalanish uchun antivirus tizimlarini tez-tez yangilab turishni tavsiya qilishadi.

Akobir MURODOV,
IIV TQD Kiberxavfsizlik markazi xodimi, leytenant.

OYLIK DOIRASIDA

MA’NAVIYAT – KUCHLI QUROL

Toshkent viloyati IIBBda xodimlarning ma’naviy dunyosini boyitish, ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy sohalardagi yangilanishlar jarayonlaridan xabardorlik darajasini oshirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Bu ishlarning uzviy davomi sifatida xodimlar uchun kitob yarmarkalari, «Zukko kitobxon», «Iste’dodli ijodkor xodim» kabi ko‘rik-tanlovlar uyushtirib kelinmoqda.



Jumladan, Chinoz tumani IIB rahbariyati tashabbusi bilan «Barcha sa’y-harakatlarimiz – inson qadri uchun» shiori ostida madaniy-ma’rifiy tadbirlar, «Teatr haftaligi», «Ma’naviyat marshruti» loyihasi doirasida ichki ishlar organlari xodimlarining madaniyat ob’yektlari, muzey va ziyoratgohlarga tashriflari amalga oshirildi. Ta’kidlash joizki, ushbu tadbirlar har qachongidan-da, yuqori saviyada o‘tkazilmoqda.

Tuman IIB hamda Respublika Ma’naviyat va ma’rifat markazi Chinoz tuman bo‘linmasi hamkorligida tashkil etilgan kitob yarmarkasida qatnashgan 50 nafardan ziyod xodim o‘zining shaxsiy kutubxonasi uchun sotib olgan kitoblaridan tashqari, tuman IIB kutubxonasiga ham kitoblar sovg‘a qilishdi.

Shuningdek, xodimlar hamda ularning oila a’zolari Oqqo‘rg‘on tumanidagi «Tarix va o‘lkashunoslik» muzeyiga tashrif buyurib, muzeyning diqqatga sazovor joylari, betakror eksponatlar bilan tanishishdi.

Muqimiy nomidagi O‘zbek davlat musiqali drama teatridagi spektakllar namoyishi esa ichki ishlar organlari xodimlariga ma’naviy ozuqa berish bilan birga, ularning tarixiy bilimlarini ham boyitishga munosib hissa bo‘lib qo‘shildi.

Abror POYONOV,
o‘z muxbirimiz.
Toshkent viloyati.

Toshkent shahar IIBB JTSB majlislar zalida «Ma’naviyat oyligi» doirasida «Uch avlod uchrashuvi» o‘tkazildi. «Xalqimizning xavfsizligi, tinchligi va osoyishtaligini saqlash eng ustuvor vazifamiz» shiori ostida bo‘lib o‘tgan tadbirda IIBB boshlig‘i maslahatchisi, iste’fodagi faxriylar, PPX brigadasi rahbariyati hamda xodimlarning ota-onalari ishtirok etishdi.



Tadbirda xizmat intizomi, muomala madaniyati va qonuniylik yuzasidan so‘z yuritilib, korrupsiya balosiga qarshi kurashish bugunning eng dolzarb vazifasi ekanligiga alohida to‘xtalib o‘tildi. Shuningdek, bir guruh xodimlarga fidoyiligi va shaxsiy namuna ko‘rsatgani uchun tashakkurnoma topshirildi va ota-onalariga minnatdorlik e’lon qilindi. Shu kuni bino hovlisida «Sharq» nashriyoti tomonidan kitob yarmarkasi ham tashkil etildi. Yarmarka davomida xodimlar o‘zlarini qiziqtirgan adabiyotlar bilan tanishib, kitoblar xarid qilishdi.





IIV Alohida namunali-ko‘rgazmali orkestri tomonidan ichki ishlar organlari xodimlariga, shuningdek, yurtimiz aholisiga konsert dasturlari taqdim etilmoqda. Oliy va o‘rta maxsus ta’lim muassasalari, umumiy o‘rta ta’lim maktablari, madaniyat va istirohat bog‘larida taqdim etilayotgan konsert dasturlari har doimgiday tomoshabinlar olqishiga sazovor bo‘lmoqda.

Ana shunday ajoyib konsert dasturining navbatdagisi Toshkent shahar ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash markazida tashkil etildi. Dasturdan o‘rin olgan milliy va jahon musiqasining nodir durdonalari markazdagi nuroniy otaxon-u onaxonlarga quvonch bag‘ishladi. Ular orkestr bilan jo‘r bo‘lib kuylashdi, raqslarga tushib olam-olam zavq olishdi.

– Orkestr tomonidan taqdim etiladigan chiqishlarni doim internet tarmoqlari va televideniye orqali tomosha qilardik, – deydi markaz direktori Farangiz Akramova. – Bugun ana shu ajoyib jamoa markazimizga tashrif buyurib jonli ijrodagi konsert dasturini namoyish etganidan nuroniylarimiz benihoya mamnun bo‘lishdi. Shunday ajoyib dasturni tashkil etib bergan Ichki ishlar vazirligi rahbariyatiga hamda orkestr ijodiy jamoasiga markazimizdagi nuroniylar hamda xodimlarimiz nomidan minnatdorlik bildiramiz.

Sarvar SOBIROV,
o‘z muxbirimiz.
Toshkent shahri.

ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

РОМАНТИКАНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Ота-она назоратидан четда қолган 9-синфда ўқийдиган икки дугона 10-синфда ўқийдиган йигитларни ёқтириб қолишган. Шунданми, улар доим бирга. Учрашувларни ҳам бир пайтга белгилашади, истироҳат боғларига ҳам тўртовлон бирга боришади.



Қизлар севги-муҳаббат бобида йигитлардан ҳам ўтиб тушишади. Романтик саёҳатларни ҳам икки дугона ташкил қилишади. Йигитлардан бирининг туғилган кунида қизлар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгилик ўйлаб топишди. Улар туғилган кун шодиёнасини нишонлаш мақсадида шаҳар марказидаги танишининг квартирасини бир кунга ижарага олишди. Ота-оналарига эса бир-бирларинникига дарс қилгани кетяпмиз, дея баҳона қилишди. Ёшлар шу куни тонгга қадар туғилган кунни нишонлашиб, хайрлашишди.

Йигитлар кетгач, қизлар квартира эгасига ижара ҳақи учун берадиган пулни ҳам харажатларга ишлатиб юборганини пайқаб қолишди. Шундан сўнг маблағни 3 кун ичида олиб келиб беришга ижарачини кўндиришади. Лекин бу вақт ичида қизлар 400 минг сўм пулни топа олишмади. Пулларни беришни кечиктиришгач, таниши уларнинг қишлоғида яшовчилардан хабар айтиб юборади. Бу гаплар қулоғига етиб борган дугоналар ижарачи опанинг жағини ёпиб қўйиш учун унинг квартирасига келишади. Дугоналар икковлашиб дарҳол ҳужумга ўтишади. Бу борада аёл ҳам улардан қолишмас экан, югуриб бориб, ошхонада турган пичоқни олиб, улардан бирининг қорнига тиқиб олади. Дугонаси тез ёрдам машинасини чақириб, жабрланганни шифохонага зўрға етказиб боради.

Аввалларини бунақа ҳолатлар қаттиқ уят саналар, беодоблик қилган қиз-йигитларнинг ота-оналари ҳам эл олдида шарманда бўлгани учун боши эгиларди. Бугун эса айрим одамларнинг парвойи палак, ҳатто қизи уйига келмаса, сабабини билишмайди. Ҳали мактабни битирмаган ёшларнинг одоб чегарасидан чиқиши мактаб ва маҳалла фаолларини ҳам сергак торттириши керак.

Айрим истиҳолаларга бориб, воқеа иштирокчиларининг яшаш манзили, исм-шарифини ҳам келтирмадик. Ниятимиз кимнингдир айбини элга дастурхон қилиш эмас, балки ота-оналарни огоҳликка чақириш, бу каби кўнгилсиз ҳолатларга йўл қўймасликдир.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ҳусниддин АБДУҒАНИЕВ,
Косонсой туман ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчиси, катта лейтенант.
Наманган вилояти.

ИШОНУВЧАНЛИК ТУЗОҚҚА ТУШИРАР

Бугунги кунда интернет тармоғи орқали содир этилаётган жиноятлар фуқароларимизнинг соддалиги, ишонувчанлиги оқибатидир. Шу боис телекоммуникация тармоқлари ва алоқа каналларида киберхавфсизликни таъминлаш масаласи ҳам долзарблашмоқда.



– Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ИИОФМБ Навбатчилик қисмига ўзини гўёки банк, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари, суғурта ёки мобиль алоқа компаниялари ходими сифатида таништириш орқали фирибгарлик ҳаракатларини амалга оширишга уринган шахслар ҳақида 160 дан ортиқ хабар келиб тушган, – дейди Яккасарой тумани ИИОФМБ ҲПБ ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш бўлинмаси инспектори, лейтенант Атҳам Мамаюсупов. – Ушбу мурожаатлар асосида 122 та жиноят иши қўзғатилган бўлиб, шундан 32 таси «иссиқ изида» фош этилган. Ушбу ҳолатлар таҳлил қилинганда, ҳақиқатан ҳам, фирибгарлар асосан рус тилида мулоқот қилиб, телеграм ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали қўнғироқларни амалга ошириб, фуқароларга психологик босим ўтказиш орқали ўзларининг ғараз мақсадларига эришган.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, жорий йилнинг 2 апрель куни фуқаро С.Р. туман ИИОФМБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, номаълум шахс инстаграм ижтимоий тармоғи орқали косметика буюмларини етказиб беришини айтиб, 1050000 сўм пулларни ўзлаштириб олган ва ваъдасини бажармай ғойиб бўлган. Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган тезкор суриштирув ишлари натижасида ушбу жиноятни Ш.Ю. содир этганлиги аниқланди.

Бўлинма ходимлари томонидан ҳудуддаги барча ижтимоий соҳа объектларига ташриф буюрилиб, айниқса, катта ёшдаги фуқароларга фирибгарлар амалга ошираётган ҳаракатлар тушунтирилиб, найрангбозларнинг тузоғига тушиб қолишнинг олдини олиш бўйича керакли тавсиялар берилмоқда. Бундан ташқари, тарғибот тадбирларининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида мавжуд 21 та маҳалла фуқароларини ўзида жамлаган телеграм мессенжери каналлари ташкил этилиб, сўнгги вақтларда содир этилаётган кибержиноятлар ҳақида маълумотлар, видео, аудио ва бошқа тарғибот материаллари гуруҳларга жойлаштириб борилмоқда.

Хулоса ўрнида номаълум рақамдан қўнғироқ қилинганида, ҳушёрликни ошириб, унинг кўрсатмаларига амал қилмаслик, шахсий маълумотларни асло бегоналарга бермаслик ва ҳеч қачон олдиндан пул тўлов қилмасликни тавсия қиламиз. Шундагина хавфсиз ва хотиржам бўласиз.

Сарвар СОБИРОВ,
ўз мухбиримиз.
Тошкент шаҳри.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши истеъфодаги подполковник Одил Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси

Бувиш ҳожи онанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

SOHAVIY XIZMATLARDA

ZAMONAVIY AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI

jinoyatchilikni jilovlashga xizmat qiladi

Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan barcha jabhalarda bo‘lgani kabi, huquq-tartibot organlari faoliyatida ham samarali foydalanilmoqda. Qashqadaryo viloyati IIB Axborot texnologiyalari va axborotni himoyalash bo‘limi xodimlari ham viloyat ichki ishlar organlari faoliyatida axborot texnologiyalaridan keng foydalanishni yo‘lga qo‘yish, ma’lumotlar bilan ishlashni yengillashtirish borasida bir qator ishlarni amalga oshirishmoqda.

Bugungi kunda viloyat ichki ishlar organlarida internet tarmog‘i, raqamli, modemli telefon tarmoqlari, GSM uyali aloqa kanallari hamda ultra-qisqa to‘lqinli radio tarmoqlari ishlamoqda. Barcha aloqa turlari sifatini yaxshilash maqsadida aloqa kommunikatsiyalari va axborot uzatish tuzilmalarida shisha-tolali kabellardan foydalanilayotgani ish unumi va sifatini ta’minlamoqda.

Davlatimiz rahbarining tegishli qarorlari asosida respublika «Xavfsiz shahar» markazi bilan birgalikda Yagona integratsiyalashgan tizimlarni yaratish va rivojlantirish konsepsiyasi doirasida manzilli dasturlar bosqichma-bosqich amalga oshirib kelinmoqda. Xususan, shahar-tumanlarda o‘rnatilgan 44602 ta videokuzatuv kamerasi viloyat IIB Tezkor vaziyatlar boshqaruv markazi (situatsion markaz)ga integratsiya qilindi. Xuddi shuningdek, viloyatimizda «Xavfsiz turizm», «Xavfsiz shahar», «102 yagona navbatchilik-dispetcherlik xizmati»,





«Obod va xavfsiz mahalla», «Xavfsiz hudud», «Xavfsiz transport» apparat-dasturiy kompleks loyihalarining hayotga tatbiq qilinishi jinoyatchilikka qarshi kurashishda muhim o‘rin tutmoqda.

E’tiborga molik yana bir jihat: vazirlik va viloyat IIB rahbariyatining qo‘llab-quvvatlashi tufayli Qarshi shahar IIOFMB, Muborak, Ko‘kdala, Qamashi, Yakkabog‘, Koson, G‘uzor, Qarshi tuman IIBlarida situatsion markazlar ishga tushirildi. Qolgan tumanlarda ham bu boradagi ishlar davom ettirilmoqda.

Tizimga yangi, zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish xizmat jarayonida vaqtning tejalishiga, vazifalarni bajarish sifati va tezkorligi oshishiga olib keladi. Bu borada bo‘lim bosh mutaxassisi, mayor Alisher Yusupov, yetakchi mutaxassis, katta serjant Nurbek Sheraliyev, kichik mutaxassislar, safdorlar Jahongir Ro‘ziqulov va Nurbek Sharopovlarning xizmati katta bo‘lmoqda.

Jasur TO‘RAYEV,
mayor.
Qashqadaryo viloyati.

Spartakiada

JALOLIDDIN MANGUBERDI AVLODLARI

2021-yildan buyon o‘tkazib kelinayotgan «Jaloliddin Manguberdi avlodlari» spartakiadasining respublika bosqichi 15–19-aprel kunlari Zomin tumanida bo‘lib o‘tdi. Mazkur musobaqada Ichki ishlar vazirligining Qoraqalpog‘iston Respublikasi, Toshkent shahri va viloyatlar akademik litseylarida ta’lim olayotgan o‘quvchilardan iborat 14 ta jamoa kuch sinashdi.

Yoshlar to‘sinda tortilish, kuch ishlatish mashqlari, granata uloqtirish, to‘pponchani qismlarga ajratish va yig‘ish borasidagi salohiyatlarini namoyish qildilar. Xuddi shunday, shved estafetasi va mini-futbol bo‘yicha musobaqalar tashkil qilindi. Bellashuvlarga respublika va viloyat sport federatsiyalarining tajribali murabbiylari hakamlik qildi.

Spartakiadaning respublika bosqichi g‘oliblari (umumjamoa hisobida):

1-o‘rin: IIV Namangan akademik litseyi.

2-o‘rin: IIV Samarqand akademik litseyi.

3-o‘rin: IIV Qoraqalpoq akademik litseyi.

Musobaqalar yakunida g‘oliblar tantanali ravishda taqdirlandi.



Voleybol



TO‘QQIZINCHI SINF O‘QUVCHILARI G‘OLIB

IIVga biriktirilgan Kitob tumanidagi 35-maktabda o‘quvchilar o‘rtasida sportning voleybol turi bo‘yicha «Ichki ishlar vaziri kubogi» musobaqasining saralash bosqichi bo‘lib o‘tdi.

Qizg‘in va murosasiz kechgan bahslarda yuqori sinf o‘quvchilaridan iborat 5 ta jamoa bor mahoratini ishga solib, g‘oliblik uchun kurashdilar.

Musobaqa natijalariga ko‘ra, maktabning 9-sinf o‘quvchilar mutlaq g‘oliblikni qo‘lga kiritdi. 2-o‘rinni 10-sinf, 3-o‘rinni 8-sinf o‘quvchilaridan iborat jamoalar qo‘lga kiritdi. Ular diplom va qimmatbaho sovg‘alar bilan taqdirlandi.

G‘olib jamoa musobaqaning keyingi bosqichida ishtirok etadi.

O‘z muxbirimiz.
Qashqadaryo viloyati.

ДЕТЯМ ЗНАТЬ ПОЛОЖЕНО





Каждый юный пешеход
Пешеходный переход
Или «зебру» должен знать
И по ней только шагать.



Для машины, знают все,
Есть дороги, есть шоссе.
Помнит также мал и стар,
Пешеходам – тротуар.

Я иду по тротуару,
Я гуляю не спеша.
И прогулка не опасна,
И погода хороша.



Светофор – дорожный друг.
Управляет всем вокруг.
Красный свет – грозный вид.
Он опасности таит.
Если свет горит такой,
Значит, как солдатик, стой!
Жёлтый – словно солнышко
Тёплое, весеннее.
Предлагает подождать,
Дарит настроение.
А зелёный – не зевай
И вперёд смелей шагай!









ЗАГАДКИ

Не живая, а идет,
Неподвижна – а ведёт.
(Дорога)

Выходя на улицу,
Приготовь заранее
Вежливость и сдержанность,
А главное – ... .
(Внимание)

Где ведут ступеньки вниз,
Ты спускайся, не ленись.
Знать обязан пешеход:
Тут ...
(Подземный переход)

Две дороги долго шли
И друг к дружке подошли.
Ссориться не стали,
Пересеклись и дальше побежали.
Что это за место?
Всем нам интересно.
(Перекрёсток)

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

(28 апрель – 4 май)



Қўй. Бу давр фойдали жиҳатларга бой бўлади. Пайшанбадан кейинги кунлар сиз учун ҳақиқий синов палласига айланади. Ҳамкасблар билан келишмовчилик, молиявий қийинчиликлар, кайфиятнинг ўзгариши – буларнинг бари асабийлашишга сабаб бўлиши мумкин.



Бузоқ. Сешанба куни узоқ кутилган молиявий сармоя эҳтимоли юқори. Меҳнатсеварлик ва ҳалоллик намунасини намоён этганингиз учун атрофдагилар сизга алоҳида ишонч билдириб, келгусида ҳамкорликни давом эттириш истагида бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида бир қанча қизиқарли таклифлар олишингиз кутилмоқда.



Эгизаклар. Бу ҳафта касб-ҳунар борасида омад кулиб молиявий имкониятингиз мустаҳкамланади. Бу даврда ҳис-ҳаяжонга берилмай, имкон борича босиқлик билан иш юритиш лозим. Шанба ва якшанба кунларини тоза ҳавода сайр қилиб ёки фаол ҳаракатда ўтказинг.



Қисқичбақа. Сизни бироз нотинч ва ташвишли кунлар кутмоқда. Бу даврда журъатсизлик ва шубҳа ҳар жиҳатдан сизга халақит қилади. Иш фаолияти ва ижтимоий ютуқлар тарозининг бир палласини, оилавий фаровонлик эса иккинчисини эгаллайди. Бу борада қарор қабул қилишда юрак амри билан иш тутган маъқул.



Арслон. Бу ҳафта «таваккалчилик – журъатли иш» шиорига амал қилинг. Барча режа ва ўйлаб қўйилган ишларни амалга ошириш учун омадли давр. Молиявий, муҳаббат ва дўстлик масалаларида тақдирингизда кескин ўзгаришлар кутилмоқда. Баъзи қараш ва ўй-фикрларни қайта кўриб чиқишга тўғри келади.



Паризод. Бу ҳафтада касбий соҳангизга оид қийинчиликлар юзага келиши, пул йўқотишлар кузатилиши мумкин. Имкон қадар атрофдагилар билан зиддиятли муносабатларга борманг. Дўст-биродарларингиздан ёрдам сўрашга тортинманг.




Тарози. Бу даврда куч-қувват, имконият ва саломатлик сизнинг фойдангизга хизмат қилади. Ушбу кунларда кайфиятингиз ҳам кўтаринки бўлиб, қўл урган ишларингиз бароридан келади. Мазкур ҳафта оилавий ва анчадан бери ўз ечимини топа олмаётган бошқа масалаларни ҳал этиш учун ҳам қулай даврдир.



Чаён. Бу ҳафта учун мушкул вазифаларни режалаштирманг, акс ҳолда сизга боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли уларни ўзгартиришга ёки бекор қилишга тўғри келади. Ҳам шахсий масалалар, ҳам иш юзасидан кўп жойларда бўлишингиз кутилмоқда.



Ўқотар. Хато қилиш ва мақсадга эришмасликдан қўрқманг, «ҳаракатда – баракат» нақлига амал қилинг, чунки баъзан таваккалчилик ҳам катта муваффақият олиб келишини ёдда тутинг. Ушбу давр ҳам ишда, ҳам оилада ўзингизни кўрсатиш учун яхши палла.



Тоғ эчкиси. Сизни ҳар маънода ижодий давр кутмоқда. Бу ҳафта қадрдонлар ва дўстлар кўмаги, меҳр-муҳаббатидан тўлиқ баҳраманд бўласиз. Ушбу ғамхўрлик иш фаолиятида зиммангизга юклатилган мураккаб вазифаларнинг уддасидан чиқишга ёрдам беради. Молиявий жиҳатдан ҳам муваффақият сиз томонда бўлади.



Қовға. Иш жойингизда кутилмаган ва асосий ўзгаришлар юз беради. Нимаики ишга қўл урманг, сизга тўлиқ ҳаракатлар эркинлиги тақдим этилади. Барча истакларингиз биринчи талабданоқ амалга ошади. Меъёридан кўп нарса талаб қилманг, атрофдаги одамларнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олинг.




Балиқ. Бу ҳафта саломатликка жиддий эътибор қаратганингиз маъқул. Жисмонан оғир вазифалардан узоқ туринг. Оддий ҳаёт тарзидан оз бўлса-да четга силжиш кайфиятингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Яқин ва қадрдон инсонлар бу даврда сизни қўллаб-қувватлашади.

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

«ЎСМАЛАР ҚЎЙСАМ ЯРАШАР...»

Ҳовлиси бор хонадонларда, айниқса, нуроний онахонларимиз бор уйларда ўсма экилади. Пиёланинг орқасига сиқилган ўсмани қошларимизга суртганимиз ҳали ҳамон эсимда. Мақсад – соч ва қошларни мустаҳкамлаш. Ўсма мойи қош ва киприкларни қўзғатиб, уларни қалинлаштиради ва тўкилишининг олдини олган. Шунингдек, соч илдизларини мустаҳкамлаб, ёғланишини камайтиради. Шунинг учунми, ўсмани қошга қўйилади, деб билганмиз.



Ҳозирда ўсма бир неча касалликларни даволаш учун ҳам қўлланилади. Масалан, айрим тадқиқотлар ва халқ табобатида ўсма мойидаги антиоксидант ва яллиғланишга қарши моддалар саратон ҳужайраларнинг ўсишини секинлаштириши ҳақида айтиб ўтилган.

Қандли диабетда ҳам ўсма мойи қанд миқдорини барқарорлаштиришга ёрдам бериб, яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, асаб тизимини тинчлантиради. Қандли диабетнинг асоратларини енгиллаштириш (масалан, теридаги қуриш, яралар)да ташқи томондан суртма сифатида фойдаланилади. Шунингдек, паст қон айланишида, яра ва оғриқли жойларга маҳаллий суртма сифатида ишлатилади. Аммо ичиш тавсия этилмайди.

Ўсма мойи бавосилда ҳам фойда беради, яллиғланишни камайтиради. Ташқи оғриқ ва қичишишни енгиллаштиради, қон айланишини яхшилайди. Ташқи бавосилда дока ёрдамида оз миқдорда ўсма мой суртилади.

У тери муаммоларига қарши курашади. Ўсма мойи юздаги енгил яллиғланишлар ва тошмаларни бартараф этишда фойдалидир. Ўсма терини юмшатади, намлайди ва тиниқлаштиради. Яра ва чандиқларни тез битиради. Ўсмадан тайёрланган суртма ва мойлар яра, тирналиш ва куйган жойларнинг тезроқ битишига ёрдам беради.



Суяк ва мускул оғриқларини енгиллаштиради. Халқ табобатида ўсма мойи суяк ва бўғим оғриқларига қарши ишлатилади. Ундан уқалаш мойи сифатида ҳам фойдаланилади.

Шунингдек, қулоқ ва бурун муаммоларида ёрдам беради. Оз миқдорда ўсма мойи қулоқ оғриғи ёки бурун битиши каби ҳолатларда ҳам ишлатилади. Мутахассис тавсияси билан муолажа қилинса, мақсадга мувофиқдир.

Гўзал ЖАФАРОВА тайёрлади.

ҚУЁШ ВИТАМИНИ

Инсоннинг деярли барча аъзоларига таъсир кўрсатадиган D витамини суякларнинг мустаҳкам бўлишига, соч ва тери ҳолатини яхшилашга кўмаклашади. У барча тизимларнинг меъёрида ишлаши, моддалар алмашинуви, суяк ҳосил бўлишига таъсир кўрсатади. Ушбу витамин ёш болалар скелетининг жадал ўсиши ва суяклар мустаҳкамланиши даврида жуда муҳим.



Халқ орасида «қуёш витамини» номини олган D витамини қалқонсимон безни ҳимоялайди, иммунитетни оширади, метаболик жараёнларни меъёрлаштиради. Мазкур витамин ҳужайралар кўпайишида ва кўпгина гормонлар синтезида иштирок этади. Асосийси, D витамини организмда кальций ва фосфор алмашинувини ўз зиммасига олади. Бундан ташқари, мушакларнинг барқарор тонусини ва миокард ишини тартибга солиб, томирларда қон ивишига таъсир қилади.

Ушбу витаминни етарлича қабул қиладиган инсонлар депрессия, тушкунлик ва уйқу бузилиши билан боғлиқ муаммоларга дуч келмайди. Унинг етишмаслиги оқибатида соч тўкилиши, чарчоқ, тез-тез шамоллаш, асабийлик, уйқучанлик, кўришнинг пасайиши каби ҳолатлар кузатилади. Шунингдек, болаларда рахит, катталарда остеопороз, саратон ва юрак-қон томир касалликлари юзага келиши мумкин.

Организмни D витамини билан таъминлашда қуёш нури ҳамда маҳсулотлар (балиқ ёғи, гўшт, сут, сариёғ, жигар, пишлоқ, қўзиқорин, бошоқли ўсимликлар, соя, тухум сариғи, хамиртуруш) ёрдам беради. Шунингдек, мутахассислар тавсияси билан дори шаклидаги витаминни қабул қилиш мумкин.

Ушбу витаминнинг ўртача кунлик дозаси 400–600 МЕ бўлиши керак. Уни фақат озиқ-овқат орқали ўзлаштириш жуда қийин. Шунинг учун қуёш нуридан кўпроқ баҳраманд бўлишимиз лозим (табиийки, эҳтиёт чораларини унутмаган ҳолда). Офтобга фақат эрталабки маҳал (соат 11:00 гача) ёки 16:00 дан кейин чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда қуёш нурларидан тўйиниш учун 20–30 дақиқа етарли бўлади. Унутманг, қуёшдан ҳимояловчи крем, қалин упа-элик ва кўзойнак модда синтезига халақит қилади. Сайрдан қайтган заҳоти чўмилиш тавсия этилмайди, чунки тери ёғи ишлаб чиқарадиган D витамини организмга тезда сингишга улгурмайди.

Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o‘rinbosarlari
podpolkovnik Azizjon FAYZIYEV
mayor Aziza BOHODIROVA

Navbatchilar
Gulnoza TURG‘UNBOYEVA
Radik TUMPAROV

Mas’ul kotib
Erkin SATTOROV

Sahifalovchilar
Zokir BOLTAYEV
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

Fotomuxbirlar
Abu KENJAYEV
Ikrom HASANOV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Obuna masalalari bo‘yicha:
71-231-38-74;
97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami h/r 23402000300100001010. Bank kodi 00014.
O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi g‘aznachiligi.
Shaxsiy h/v 47001086026287703110117900 1
STIR 200637499.

Gazeta O‘zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Manzilimiz: 100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko‘chasi 9-uy.

Buyurtma №1082.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3.
Hajmi – 6 bosma taboq.
45602 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

«Kolorpak» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: 100206 Yunusobod tumani, Yangishahar ko‘chasi 1A-uy.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi. Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda manba ko‘rsatilishi shart. Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.